

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ПЕДГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**Мустанова Мафтунанинг**

**«Алишер Навоийнинг музикаий қарашлари» мавзусида**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий рахбар:**

**ўқ.Азизов О.**

**Termiz 2013**

## МУНДАРИЖА:

<b>I. КИРИШ.....</b>	<b>2-3 бет</b>
<b>II. АСОСИЙ ҚИСМ.....</b>	<b>4- 61 бет</b>
<b>I-БОБ: БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ.....</b>	<b>4-29 бет</b>
1.1. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди.....	4-16 бет
1.2. Алишер Навоий ижодида мусиқа.....	17- 29 бет
<b>II-БОБ: АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЖОДИДА МУСИҚАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ ИФОДАСИ.....</b>	<b>30- 61 бет</b>
2.1. Султон Хусайн Мирзо (1458-1506) ҳукмронлик даврида Алишер Навоийнинг мусиқа соҳасидаги фаолияти.....	30-52 бет
2.2. Алишер Навоийнинг созанда ва бастакорлигига бир назар.....	53-61 бет
<b>III. ХУЛОСА.....</b>	<b>62 бет</b>
<b>IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>63-64 бет</b>

## КИРИШ

Юртбошимиз И.А.Каримов «Маънавий юксалиш йўлида» номли асарига “Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта порлоқ бўлади”- деган бу фикрларини улуғ бобомиз миллий ғуруримиз, буюк- мутафаккир Мир Алишер Навоий хайкали ва улкан миллий халқ боғи очилишида айтган сўзлари билан бошлашимиз бежиз эмас албатта. Буюк ўзбек шоири, мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти, ижодига бағишлаб кўплаб ижод намуналари олимларимиз томонидан тадқиқ этилган ва этилмоқда. Навоий бобомизнинг серқирра ижодини ёритувчи кўплаб адабий бадиий асарлар чоп этилган. Шу сабаб Алишер Навоийнинг мусиқашунос сифатида мусиқа санъатининг ривожланишига кўшган хиссаси кенг ёритилмаганлигини инобатга олиб ушбу мавзуга қўл урдик.

**Битирув малакавий ишимизда Навоий бобомизнинг ўлкан мусиқий меросини чуқур ўрганиш учун кўплаб**  
ноёб маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилишни режалаштирдик.

**Битирув малакавий ишнинг долзарблиги:** Буюк шоир, аллома, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг серқирра ижоди кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб тадқиқ этилган. Аммо, Алишер Навоийнинг мусиқашунос сифатида мусиқа санъатининг ривожланишидаги ўлкан ишлари кам ўрганилган. Шу сабаб буюк мусиқашунос сифатида Алишер Навоийнинг мусиқий меросини ўрганиш мавзумизнинг долзарблигидир.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади:** Алишер Навоийнинг мусиқа соҳасидаги илмий меросини чуқур ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда мусиқа маданияти дарсларида тўпланган манбалардан унумли фойдаланиш, талабаларнинг билим, кўникмаларини шакллантиришда ҳамда маънавий дунёқарашини бойитишда қўллаш.

**Битирув малакавий ишнинг объекти:** Алишер Навоийнинг мусиқашунос сифатида ҳаёти ва ижодини ёритувчи илмий, оммабоп мақолалар ҳамда адабиётларда келтирилган манбалар.

**Битирув малакавий ишнинг предмети:** Алишер Навоийнинг мусиқий карашларини мусиқа маданиятимиз ривождаги ўрнини чуқур ўрганиш орқали талабалар билим ва кўникмаларини ошириш сифатида қўллаш.

**Битирув малакавий ишнинг ишчи фарази:** Алишер Навоийнинг мусиқий меросини фақат далиллар асосига таянган ҳолда, адабиётлар ва илмий изланишлар, мусиқашунос олимларимизнинг тадқиқотлари натижаларига таянган ҳолда ўрганиш мумкин.

Битирув малакавий ишда қўйилган мақсад ва ишчи фаразга асосланиб қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

1.Алишер Навоийнинг мусиқашунос сифатида мусиқа санъатининг ривожланишига қўшган ҳиссасини таълим жараёнига тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.

2.Алишер Навоийнинг мусиқий меросига боғлиқ манбааларни тўплаб таҳлил қилиш, ўрганиш ва кенг тарғиб этиш.

Битирув малакавий ишни бажаришда қўлланилган методлар:

Битирув малакавий ишнинг муаммосига оид адабиётлар,илмий мақолалар ҳамда рисоалар.

**Битирув малакавий ишнинг янгилиги:** Ушбу ишда Алишер Навоийнинг мусиқашунос сифатида мусиқа санъатининг ривожланишида қўшган ҳиссасидан фойдаланиш дарс самарадорлигига ижобий таъсир этиши тўғрисида фикрлар, исботи билан келтирилган.

## **I-БОБ: Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири.**

### **1.1. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди**

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, мутафаккир олим, шеърят мулкининг султони давлат арбоби беназир забоншунос, тенгсиз файласуф, бетакрор тарихчи етук ҳуқуқшунос олим устоз Навоий ўз ўрнида мусиқа оламининг ҳам намоёндасидир.

Алишер Навоий турк дунёси адабиётининг энг машҳур вакилидир. Чунки, ҳеч ким, бу тил ва адабиётнинг равнақи учун унингдек хизмат қилолган эмас.

Навоий ижоди туркий адабиётнинг энг юксак чўққисидир. Чунки ҳеч ким унинг шу қадар бу тилда бунчалик «кўб ва хўб» ёзмаган деб айтган эди: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Навоий барча туркий халқларнинг энг буюк шоиридир. Чунки у ўзини «Хитойдан то Хуросон» гача ёйилган туркий «қавм»ларнинг ўз шоири, деб билди. Уларни бир адабий тил байроғи остида бирлаштирди, «якқалам» қилди. Бу билан миллатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий равнақига буюк таъсир кўрсатди.

Буюк шоир тақдир тақозоси билан Хуросонда, унинг пойтахти Ҳиротда яшаб ўтди. Қадим замонлардан, шу жумладан, Навоий яшаган даврдан буён ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳр бир мамлакат бўлиб, бир тахт эгаси ихтиёрида бўлган ва аҳолисининг асосий нуфузини турк халқлари ташкил этганлиги маълум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг тили «Андижон шеваси била рост» (тўғри)лигини айтади. Бинобарин, биз қадим туркнинг энг муҳим бўғинини ташкил этган ва бугун ўзбек миллати бўлиб шаклланган

Ўзбекистон аҳли буюк Навоийнинг бевосита ворисларидирмиз. Навоийдек жаҳоний зотга авлодлик ва ворислик ҳисси ҳар бир ўзбекнинг қалбини ғурур ва ифтихор туйғулари билан тўлдиради.

Алишер Навой 1441 йил 9 феврал Ҳаёт гулининг бошланиши Ралда Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо шоҳлиги даврида Ҳиротда туғилди.

Замондошлари унинг ҳақида кўпинча «Низомиддин Мир Алишер» деб ёзадилар. «Низомиддин» — дин,диёнат низоми дегани бўлиб, донишманд

мансаб эгаларига бериладиган сифат, «мир» — амир демакдир. Унинг отаси Гиёсиддин Муҳаммад (уни Гиёсиддин Кичкина ҳам дер эдилар) темурийлар саройининг амалдорларидан, хонадонининг ишончли кишиларидан эди. Онаси амирзода Шайх Абусаид Чангнинг қизи бўлган, исми маълум эмас. Алишернинг бобоси Темурланг ўғли Умаршайх билан эмикдош (кўкалдош) бўлган экан.

Буюк шоир ўз асарларида бу қутлуғ даргоҳга яқинлигидан ифтихор этишини баён қилади. Шунингдек, унинг таржимаи ҳолига оид айрим лавҳалар асарларида учрайди. Бу табаррук зот тўғрисидаги баъзи маълумотларни эса унинг замондошлари ўз китобларида берадилар.

Алишер сарой муҳотида яшаганлиги учун алоҳида тарбия ва назоратда ўсди. Кичиклик чоғидан шеър ва мусиқага ишқи тушди. Олиму фозиллар даврасида бўлди. Уч-тўрт ёшларида даврининг машҳур шоири Қосим Анворнинг бир шеърини ёд айтиб, меҳмонларни ҳайратга солди. Бир йилдан сўнг эса уни мактабга бердилар. У бўлажак султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди. Унинг зеҳни ва иқтидори ҳақидаги гаплар эса эл орасида тарқалиб борди. Кейинчалик у ёзади:

Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳакин юз ганж ила.

(Ким сенга машаққат чекиб, ҳақ ва ҳақиқат йўлида бир ҳарф ўргатган бўлса, унинг ҳаққини юз хазина инъом этиш билан ҳам адо эта олмайсан.)

1447 йилда Шохруҳ Мирзо вафот этиб, темурий шаҳзодалар орасида тахт учун кураш бошланади. Ҳирот нотинч бўлиб қолади. Алишерлар оиласи Ироққа йўл олади. Йўлда, Тафт шаҳрида Алишер замонасининг машҳур тарихчиси, «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади...

Ироққа бораётган карвон ярим тунда Тафт шаҳрига кириб бориб тўхтади. Иттифоқо, карвон кўнган манзил буюк тарихчи истиқомат қиладаган хонакоҳнинг шундай ёнгинасида эди. Тонг отганда маҳалла болалари янги келган карвонга қизиқиб, унинг атрофини ўраб оладилар. Улар

Ҳиротлик болаларни ҳам ўзларига қўшиб олиб, ўйин асносида хонақоҳга кирадилар. Супада ўтирган нуроний бир кекса янги карвонни билмоқ учун болалардан бирини ёнига чақиради. Олти ёшларда бўлган Алишер дархол бориб, кекса кишининг барча саволларига бурро жавоб беради. Жавоблардан мамнун бўлган кекса олим унинг мактабга борган-бормаганлигини, каергача ўқиганлигини сўрайди ва ҳаққига дуо қилади. Шу пайт Алишернинг отаси атроф улуғлари билан келиб қолади. Барчалари нуроний кексага ҳурмат ва мулозамат кўрсатишга шошадилар. Ёш Алишер шундагина бу кишининг ким эканлигини англайди.

Алишерлар хонадони 1451 йилда Ҳиротга қайтади. Тарихчи Хондамир бу билан боғлиқ шундай бир ҳикояни келтиради. Карвон Язд чўли билан Ҳиротга бораркан, тунги юришлардан бирида от-улов устида ҳаммани уйқу босади. Алишер минган от, иттифоқо, йўлдан чиқиб, бўлажак шоир эгардан тушиб қолади, уйқу зўрлик қилиб, уйғонмайди. Ҳориган от ҳам эгаси ёнидан кетмай, тўхтаб қолади.

Алишер тонг отиб, қуёш қизиганда уйғонади. Қараса, поёнсиз сахро, атрофида ҳеч ким йўқ. Ёлғиз отигина ёвшан илдизларини чимтиб турибди. Ўн ёшли бола ўзини қўлга олади. Отини миниб, зехн билан йўлни топиб илгари юради. Кун қизиб, чанқоқлик бошланади. Шу пайт узокдан бир нарса қорайиб кўринади. У сув тўла меш экан. Оллоҳга шукроналар айтиб, Алишер йўлни давом эттиради. Унинг ота-онаси манзилга етгач, ўғиллари йўқлигини биладилар ва бир мулозимни шошилинич орқага қайтардилар. Мулозим кўп юрмай, Алишерга дуч келади. Алишерни кўриб у қайта туғилгандай, қувонч билан кутиб олади.

Абулқосим Бобур Мирзо Хуросон тахтига ўтиради, нотинчликлар босилади. Фиёсиддин Мансур Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланади. Алишер эса ўқишни давом эттиради. Мактаб ёш Алишерни шеърят, адабиёт оламига олиб кирди. Бўлажак шоир Саъдий Шеързийнинг «Гулистон», «Бўстон» асарларини, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» (Қуш тили)ини сўзсиз

иштиёқ билан ўқиди. Айниқса, қушлар тилидан келтирилган ҳикоятлар ва уларнинг чуқур мазмуни Алишернинг ўй- хаёлини тамоман эгаллаб олади...

Бир куни қушлар жам бўлибди. Ҳар хил: тўти, қумри, товус, андалиб (булбул) ва ҳоказо. Ўртага худхуд (сассиқпопишак) чиқибди. Бошидаги тожини селкилладиб, ўзини таъриф тавсиф этибди. Сўнг у ҳаммани олам подшоҳи Семурғни излашга ундабди. Қушлар уни суриштира бошлабдилар. «Зотини, сифатини айт, бизга нишон бер!»— дейишибди улар. Сўнг ҳикоя бошлабди: Семурғ бир кеча дунёни айланиб, учиб юрар эди. Ногоҳ йўли Чин шаҳри устидан тушди. Бир силкинган эди, мамлакат нурга ғарқ бўлди. Патидан биттаси тушиб қолган экан. Огоҳ бўлганлар ақлу шуурини йўқотдилар. Чин мулки эса ҳашамат (улуғворлик) га чулғанди.

Қушлар завқу шавқ билан йўлга тушадилар. Бироқ бу завқ-шавқ узоқ давом этмайди. Қушлар эътироз билдириб, узр айтиб, ўзларини четга ола бошлайдилар. Худхуд ҳар бирига жавоб айтади. Семурғга етишиш бахти олдида бу дунёнинг ташвишлари ҳечлигини исбот этувчи бирор ҳикоя келтиради. Худхуднинг гаплари, ҳикоялари қушларга янги бир куч бағишлайди. Улар Худхудни бошлиқ сайлаб, йўлга тушадилар. Хухуд бу йўлнинг ишқ йўли эканлигини, унга кирган одам Шайх Санъон сингари ўзлигидан кечиши лозимлигани айтади. Яна бир-биридан жозибали ҳикоялар... Ниҳоят, қушлар етти водийни босиб ўтадилар ва ўзларининг Семурғ эканликларини англаб етадилар.

Қушлар хаёли Алишерни одамлардан ётсирайдиган, хилватни ёқтирадиган қилиб қўйди. Бу ҳолдан унинг ота- онаси ташвишга тушдилар. Бола ақлдан озиб қолмасин, деган хавотир билан китобни қўлидан олиб, кўздан яширдилар. Лекин фойдасиз эди. Китоб Алишерга тамом ёд бўлган эди. «Мантиқ ут-тайр» хаёли Алишерга бир умр ҳамроҳ бўлди. Умрининг сўнгида эса «Лисон ут-тайр» (Қуш тили) номи билан китоб ёзди.

Бўлажак шоирнинг севиб ўқиган шоирлари яна Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий эди:

Кичик эркони́мдин бўлуб қошима,

Улуғ муддао солдингиз бошима,—

деб ёзади шоир кейинроқ ўзининг машхур «Хамса»сида. Алишернинг отаси Гиёсиддин Муҳаммад вафот этди. Алишер Абулқосим Бобур хизматига кирди. Аввал Сабзаворда, сўнг Машҳадда яшади. Икки мактабдош дўст — Ҳусайн ва Алишер яна бирга бўлдилар. Бу йиллар ҳам ёш Алишер учун ўқиш ва илм эгаллаш йиллари бўлди. Бир муносабат билан у эллик минг байт, юз минг мисра шеър ёд олганини айтади. Шеър шунчаки нутқ ўстириш эмас, маърифат, тафаккур машқи ҳам эди. Шеърга меҳр Алишерни ижодга ундади. У 7—8 ёшида шеър ёзгани маълум. Бу шеърлар шоирнинг айтишича, «турк алфози била», яъни туркча (ўзбекча) битилган. У форсча шеърлар ҳам ёзган. Ўзбекча шеърларига «Навоий», форсчасига «Фоний» тахаллусини кўйди. «Наво»нинг бир маъноси — куй, оҳанг, яна бири — "бахра. Дард, ғамни ҳам «наво» деганлар. «Фоний» эса ўтиб кетувчи, йўқ бўлувчи, вақтинча дегани. Шоир тахаллуслари шу барча маъноларни қамраб олган.

Навоий 15 ёшларида ўз шеърлари билан замонасининг машхур шоирлари диққатини тортди. Хондамирнинг ёзишича, шеърлари билан эндигина танилиб кела бошлаган Алишер ўз даврининг донгдор шоири Мавлоно Лутфий хизматига боради. Мавлоно ундан шеър ўқишни илтимос қилади. Алишер ўзининг

Оразин ёпғоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш

билан бошланадиган ғазалини ўқийди. Шеър нозик хаёлга бой бўлиб, сўзлар маънодор, манзараси ёрқин ва таъсирчан, ўхшатишларга тўла эди: «Ёр юзини ёпғач, кўзимдан ҳар лаҳза ёш сочилади. Бу гўё қуёш яширинганда (ботганда) юлдузлар пайдо бўлгани кабидир». Шеърдан ҳайратга тушган кекса шоир бундай дейди: «Валлоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзумнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмаштираддим ва буни ўзимнинг катта ютуғим деб ҳисоблар эдим».

Бу туркий (ўзбек) шеърятга жуда катта истеъдод кириб келаётганидан нишона эди. 1457 йилда Абулқосим Бобур йигитлик йиллари Мирзо вафот

этди. Ҳокимият тепасига Абусаид Мирзо келди. Ҳусайн Бойқаро тахт учун курашга шўнғиб кетди. Навоий эса Машҳад мадрасаларида ўқишни давом эттирди. Дўстлар орттирди. Кекса шоир Камол Турбатийни шу ерда учратди. Турбатлик бу шоир Алишер билан бир байт муҳокамаси устида танишиб қолдилар. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ёзади: «Ҳожа Ҳофиз ғазалларига ажойиб мухаммаслар боғлаган бу нозиктабъ шоирни кўриш орзусида эдим.

Ошнолигимиз шундай бўлди: Абусаид замонида Машҳадда бир хонақоҳ хужрасида хасталаниб ётардим. Узоқ шаҳарлардан зиёратга келганлар айланиб, мен ётган хужра деворида ёзилган шеърнинг бир байти устида баҳсга киришиб, ичкарига кадам қўйдилар. Улар орасида бир улуғроғи барчасидан устун келди. Иттифоқо, мен ҳам хаста ҳолим билан аралашиб, иккинчи томоннинг ёнини олиб сўз айтдим. Жамоат жонланиб, ҳалиги улуғроқ кишига «бу бемор йигит ҳам бир сўз айтади», дедилар. Ул улуғроқ киши Камол Турбатий экан. Тепамга келиб, мавзуни ўртага солди. Менинг жавобимдан сўнг, олдинги сўзидан қайтиб, менга таҳсинлар айтиб, кимлигимни суриштирди. У ҳам мени эшитган бўлиб, кўриш орзусида экан...»

Шоир 1464 йилда Ҳиротга қайтади. Бироқ пойтахтда уни нохушликлар кутар эди. Абусаид Мирзо у билан тахт талашаётган Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиларини таъқиб ва тазйиқ остига олган, жумладан, тоғалари Мирсаид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийларни олдинма-кейин қатл эттирган эди. Улар истеъдодли шоирлар эдилар. Алишернинг ота мулки мусодара қилинган, ҳатто яшаб тургани бошпана ҳам қолмаган эди. У шаҳарда узоқ қололмади. Ҳолбуки, ёш шоирнинг ижоди барқ урган пайт эди. Абдурахмон Жомийдек замонасининг аллома адиби билан яқиндан танишиб, сабоқлар олган, меҳрини қозонган эди. Навоий «Нуран маҳдум» деб эъзозлаган бу машҳур шоир ва олим ўзини сиёсатдан узоқ тутар, ҳатто шаҳар ташқарисидаги Саъдиддин Кошғарий (1456 йилда вафот этган машҳур шайх, Жомийнинг устози) мозори ёнида жой қилиб, ўша ерда яшар эди. Паҳлавон Муҳаммад ва Саййид Ҳасан Ардашер билан дўстлиги мана шу даврда

синовдан ўтди. Кейинроқ Навоий уларнинг ҳар иккиси тўғрисида китоб ёзади. Бирини «шамсул миллат» (миллатнинг қуёши) деб атади, иккинчиси — Саййид Ҳасан Ардашерни «Бу фақир турк ва сарт орасида ондин тамомроқ (мукамалроқ) кишини кўрмайдурмен»,— дея эътироф этади.

Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби бор. У «Маснавий» номи билан «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девонига киритилган. Мутахассислар уни Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга жўнаш олдидан ёзган мактуби деб ҳисоблайдилар. Чамаси, шоир сафар олдада Ардашер билан хабарлашмоқчи бўлган, лекин уни топмаган. Сўнг ушбу мактубни ёзиб қолдирган. Мактуб Алишернинг сафар олдадаги кечинмалари ва ўз отасидек яқин кўрган Саййид Ҳасан Ардашернинг сифатларини таъриф этиш билан бошланади. Ватан ва дўстларни ташлаб кетиш оғир. Хайрлашмай кетиш ундан ҳам оғир. У хақида Хондамир ўзининг «Мақорим ул-ахлоқ»ида буларнинг батафсил рўйхатини келтирган. Шунингдек, шоирнинг «Вақфия» асарида ҳам бу ҳақда қизиқарли маълумотлар бор. Маълум бўлишича, отамерос катта мол-мулк (Абусаид уни мусодара қилгандан сўнг Ҳусайн Бойқаро тиклаб берган), вазир сифатида кўплаб ер ва сармоя соҳиби бўлган Алишер Навоий, Бобурнинг қайд этишича, Ҳусайн Бойқарога ҳар йили мамлакатнинг ободончилик ишлари учун «пешкан» (тортиқ)лар қилиб турган.

Хондамир бундай деб хабар беради: «Ҳиротнинг энг гўзал жойларидан бирида, Инжил ариғи ёқасида Навоий ташаббуси билан «Ихлосия» мадрасаси қад кўтарди. Унинг ёнидан «Халосия» хонақоси жой олди. Рўпарасида нозик дид ва теран хаёлни ўзида жам этган «Дорушшифо» (шифохона), бир томонида Дорул Хуффоз» (қорихона), «Масжиди жомеъ»... Ўртада суви шарбатдек тотли Инжил ариғи. «Дорушшифо» қошида кавсармисол бир ҳовуз. Унда хизирсифат ҳакимлар, исонафас табиблар касалларни муолажа қилиш билан машғуллар. Бу ерда талабалар оқими, мударрислар суҳбати тинмайди. «Халосия» хонақосида ҳар куни Қуръон

тиловат қилинади, фақир ва бечораларга таом тарқатилади. Ҳар йили 2000 га яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тўппи ва ковуш улашилади...»

Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро»сида: «Навоий мутасадди қилган кишиларнинг саъй- ҳаракати билан Хуросоннинг машхур булоқларидан —Тус вилоятининг юқори қисмида бўлган Чашмайи кудуқ ва ариқ қазилиб, муқаддас Машҳад шаҳрига олиб келинганини, бу билан мазкур шаҳарнинг муқим халқи сувсизлик азобидан халос қилинганини ёзади. Бу ариқнинг узунлиги қарийб 80 км бўлган.

А.Навоий 1476 йилда вазирликдан бўшагандан сўнг ҳам ободонлик ишларига содиқ қолди. Подшоҳнинг энг яқин кишиси сифатида унга барча ишларида ёрдам бериб турди. Бу ўринда шоирнинг Ҳиротдаги машхур Масжиди жомеъни таъмир этишдаги хизматлари эътиборга сазовор.

Хондамир ҳикоя қилади: «Жомеъ масжиди XIII асрнинг биринчи чорагида Хоразмшоҳлар замонасида қурилган бўлиб, ғоят маҳобатли эди: 408 гумбаз, 130 равоқ ҳамда 444 пиллапоядан иборат: узунлиги 254, эни 150 зиръа (зиръа—70—80 см.), тоқининг айланаси зиръа... У бир неча бор вайрон бўлиб, бир неча бор таъмирланган эди. Султон Ҳусайн даврида, 90-йилларнинг охирида зилзила бўлиб, буткул вайронага айланди.

Алишер Навоий шоҳдан изн олиб, мадрасани тузатишга киришди. Ўзи ишчилар сафида туриб, этагини белига қистириб ишлади... Улкан бино олдиндагисидан ҳам улуғворроқ қилиб тикланди, тоқу равоқлари ислимий ва хитойи нақшлар, ажойиб ихтиролар билан безатилди. Ёнғоқ ёғочидан ясалган эски минора Ҳавоф вилоятидан келтирилиб, мрамрдан олимақом тарошланган янгиси билан алмаштирилди. 1500 йилнинг 16 мартада барча ишлар поёнига етди. Мир Алишер ўша куни элни тўплаб, ош берди ва иморатни битиришда иштирок этган юзга яқин устага инъомлар улашди».

Навоий илм ва санъат аҳлининг ҳомийси, мададкори эди.

Заҳириддин Бобур ёзади: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муҳаввий (мададкор) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Ҳусайн Удийким, созда

саромад (машҳур) эдилар, бекнинг тарбият ва тақвият (мадад)и била мунча таракқий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Бехзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй (ғайрат) ва эҳтиромом (ҳиммат)и билан мундоқ машҳур ва маъруф (маълум) бўлдилар...»

Хондамир «Халосия» хонақосидаги ўзининг дам олиши учун ажратилган хонани бобоси Мирхондга бериб, «Равзат ус-сафо»ни ёзишни буюрганини хабар қилган эди. Шеър илмининг билимдони Атоуллоҳ Хусайний, кўп фанларни эгаллаб шуҳрат қозонган Хусайн Воиз Кошифий каби ўнлаб истеъдодлар Навоий тарбиясида вояга етдилар.

А.Навоий, айниқса, адабиёт ривожидида «мураббий ва муқаввий» сифатида кўп ишлар қилди. Бунга шоир замонида мамлакатнинг турли шаҳар ва вилоятларида юзлаб истеъдодли шоирлар етишиб чиққанлиги далилдир. Навоий замондошлари унинг бу борадаги қизғин ва самарали фаолияти ҳақида ибратли ҳикоялар ёзиб қолдирганлар. Шулардан бирини Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис»ида келтиради: «Баҳор кунларининг бирида, булут ошиқ кўнгилдек ёш тўкиб, тўкилган ёшдан маъшуқа ваъдасидек сезилмас иплар ҳосил қилганда, Хуросон мулкида туркий ва форсийда замонасининг маликул каломи бўлган Мавлоно Лутфий бу фақирга йўлиқди ва дедики: бу ёмғирнинг торларини ҳатто ушлаб кўриш мумкин. Навоийнинг адабий ва илмий мероси бой ва турли- тумандир. Унинг айниқса «Хазойин ул- маоний» («Чор девон») ва «Хамса» асарлари жаҳон адабиёти дурдоналаридир. Тилшунослик, адабиёт назарияси, тарих, тарихий-биографик, ҳадислар ҳақида, тасаввуф таълимотига оид ва фалсафий асарлари, форсча девони (форсча асарлари Фоний тахаллусида ёзилган) машҳур. Навоий ижодида инсон ҳамияти ва бахтини улуғлаш етакчилик қилади. У бутун ижодий фаолияти билан умумбашарият адабиётига катта таъсир кўрсатган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да унинг шеърлари турклар орасида кўп шуҳрат топганини ёзган. Атоий лирикаси оҳангдор, ўйноқи, турфа кечинмаларга бойдир. Шоир ғазалларида мажоз ва ҳақиқат ажиб

бир мувозанат ташкил этади. У ўз асарлари билан XV аср адабиётида дунёвий йўналишни ривожлантиришга муносиб хисса қўшди. Самарқанд адабий ҳаракатининг етакчи вакилларида Саккокий кўпроқ Халил Султон, Улуғбек, Арслонхўжага бағишланган қасидалари билан шуҳрат топди. XIV аср. Охири XV аср 1-ярмида ўзбек адабиётининг ривожини мавлоно Лутфий (1366—1465) номи билан боғлиқдир. Навоий ибораси билан айтганда, Лутфий «замонининг маликул каломини», «форсий ва туркийда назирини йўқ» шоир эди. У «Гул ва Наврўз» (1411) эпик достонини ёзган, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини форсийдан ўзбекчага шеърини таржима қилиб, охирига ўзи ҳам 10 минг байтдан зиёроқ маснавий йўлида шу номда достон битган бўлсада, кўпроқ девони (4 минг мисрадан иборат), айниқса ғазал ва туюқлари шуҳрат топди. Лутфий адабиётга соддалик, самимийликни олиб кирди, унга халқона руҳ берди, ўзбек адабий тилини халқнинг мақол ва маталлари билан бойитди. Дурбек Юсуф ҳақидаги машҳур қиссага янги йўналиш берди. «Юсуф ва Зулайҳо» достони билан эпик шеърини ривожига хисса қўшди. Бу даврда адабиётда дунёвийлик кучайди.

Темур ва Темурийлар саройларида анъанага мувофиқ форс тили ва адабиётига ҳам алоҳида эътибор билан қаралди. Мактаб- мадраса тилининг катта қисмини форсча ташкил қилди. Шоирларнинг аксарияти икки тиллик (зуллисонайн) эдилар. Айни пайтда, Темурийлар, хусусан, Ҳусайн Бойқаро даврида туркчага рағбат кучайди. Бунда, шубҳасиз, Алишер Навоийнинг хизмати буюк бўлди. Адабий давралар, анжуманлар Навоий иштирокисиз ўтмас эди. Бундай давраларда қатнашиш учун 60 минг сатр (40 минг салафлардан, 20 минг замондошларидан) шеърни ёд билиш шарт бўлган. Ҳусайн Бойқаро (1438—1506)нинг ўзи ҳам «Ҳусайний» тахаллуси билан ғазал жанрида шеърлар ёзган, девон тартиб қилган. «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» насрий асарида адабий ҳаёт, маданият ва бошқалар ҳақида фикр юритган.

Алишер Навоий ҳақида сўзлар экан, «туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айткон эмас», деб ёзади Заҳириддин Бобур. Унинг биргина ғазалларининг ўзи 2000 дан ортиқ. Шеърлари 1465 йилда тўпланиб девон қилинган. 1470 йилларда «Бадое улбидоя» («Бадийлик ибтидоси»), «Наводир уннихоя» («Беҳад нодирликлар») девонларини тузди. 1490 йилларда эса жами шеърларини 4 жилдли «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») номи билан тартиб қилди. Эл орасида «Чор девон» номи билан машҳур бу китоб «Ғаройиб ус сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадое ул-васат», «Фавоид ул-кибар» девонларидан таркиб топган.

«Хазойин ул-маоний» олам ва одамни сўнгсиз муҳаббат билан севувчи, бирининг ободлиги-ю иккинчисининг камолоти учун жон-дилини нисор этувчи буюк қалбнинг бетакрор манзараларидир.

Навоий туркий шеърнинг шакл ва ифодасини ҳам бойитди. Шарқ шеърининг 16 туридан истифода этди, шеърият санъатининг юзлаб усуллари билан муваффақият билан фойдаланди. 1483 - 1485-йилларда форс адабиётидаги хамсачиликка жавоб сифатида туркий тилда биринчи мартаба «Хамса» яратди ва бу тилнинг ниҳоясиз имконларини амалда исбот этди. «Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр», «Садди Искандарий» дostonларидан ташкил топган 52 минг мисрадан иборат бу бешлик XV аср турк ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот ҳақидаги ўзига хос қомуси эди. Шоир воқеаларни қадим Шарқ тарихининг Хусрав, Баҳром, Искандар каби номлари афсоналар билан чулғанган шахслар, Лайли ва Мажнун каби ошиқлар ҳаётидан олди. Уларга янги мазмун берди, туркона руҳ киритди. Даврининг дардли масалаларини, авлодларнинг орзу ва армонларини кўтариб чиқди. «Хамса» замондошларига ниҳоятда зўр таъсир кўрсатди. Абдурахмон Жомий уни ҳаяжон билан олқишлади. Султон Хусайн эса шоирни ўзининг оқ отига миндириб, жиловдорлик қилди...

Навоийнинг муҳим манзум асарларидан бири 1499 йилда ёзган «Лисон ут-тайр» фалсафий достонидир. Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асари таъсирида ёзилган. Достонда мажозий образлар, уларнинг саргузаштлари орқали объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлар баён этилган. Шоир дунёни ва ундаги барча мавжудотни Оллоҳнинг тазоҳири — намоён бўлиши деб билади. Инсон эса хилқатнинг тожи сифатида алоҳида мавқеда туради. Оллоҳга етишмоқ, шу жиҳатдан ўзни англамоқдир. Алишер Навоий тасаввуфнинг бош маслаки ҳаққа восил бўлмоқни мана шундай ҳал этади.

Навоий форсий тилда яратган асарларини тўплаб «Девони Фоний» ни тузди. 6 фалсафий қасидасини жамлаб «Ситгаи зарурия» («Олти зарурият»)ни тартиб қилди.

Нихоят туркий наср тараққиётини, тилшунослик, адабиётшунослик илмини Навоийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Умрининг сўнггида ёзган «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») насри мусажжаънинг гўзал намунаси бўлиб, ахлоқ ва тарбия ҳақида эди. «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар», 1491) да 459 шоир ҳақида маълумот берилган. «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») туркий шеърининг беш асрлик тажрибасини умумлаштирди. «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси», 1499)да туркий тилнинг форсийдан қолишмаслиги илмий жиҳатдан исботланди авлодларга ўз она тили ва адабиётига муҳаббат туйғуси сингдирилди. «Сабъати абхур» билан луғатшунослик фанига муҳим ҳисса қўшилди.

Навоий ижоди асрлар давомида турк адабиёт оламининг порлоқ саҳифаси барча турк шоирлари учун муҳим адабий мактаб бўлиб келди. «Чиғатой лаҳжаси» ёхуд «Навоий лаҳжаси» истилоҳи XX-асрнинг бошларига қадар туркий адабиётдаги икки йўл — йўналишнинг бири сифатида эътироф этиб келинганлиги бежиз эмас.

1500 йилнинг декабрь охирларида Ҳусайн Бойқаро Астрободдан ҳарбий сафардан қайтар эди. Бу гал Муҳаммад Ҳусайн деган ўғли отасига қарши

бош кўтарган, фарзандлари билан курашдан чарчаган шоҳ урушни сулҳга айлантириб, пойтахтга қайтаётган эди. Анъанага кўра, саройнинг барча эътиборли кишилари шоҳни кутиб олишга йўлга чиқадилар. Улар орасида Навоий ҳам бор эди.

«Бир фарсахга яқин қолганда соҳибқироннинг дабдабали ва кўркам миҳаффаси (тахтиравони) кўринди, деб ёзади бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Хондамир. Шу вақт бирдан Амир Алишернинг боши айланиб кетди. Олижаноб Амир Хожа Шаҳобиддин Абдуллони ўз ёнига чақириб: «Мени сақлашдан ғофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди»,— деди. Шу он Алишер аъло ҳазратнинг қўлини ўпмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги охирги чекка бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан мазкур Амир ва мавлоно Жалолиддин Қосим қўлтиқларига кириб, шу йўсинда илгари юриб, Алишернинг бошини баланд даражали подшоҳ кучоғига қўя олди. У буюклик ва дабдаба доирасининг маркази — Алишер аҳволида ўзгариш кўриб, аъло ҳазрат ғоятда қайғули ва ғамгин бўлди. Шу онда бу касал сакта (тананинг ҳаракатдан қолиши)га айланиб, олий насабли Амирда ҳаракат қилиш ва сўзлашга мажол қолмади».

Шу аҳволда ярим тунда уни уйига олиб келадилар. Эртасига машхур табиблар маслаҳатга тўпланиб, қон олмоққа қарор берадилар. Фойдаси бўлмайди. Уч кун хушсиз ётган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этади. Бутун халқ шоҳдан гадогача, олимдан чўпонгача, шоирдан деҳқонгача улуг фарзандининг ўлимига қайғу ва изтироб билан мотам тутуди.

## 1.2. Алишер Навоий ижодида мусиқа

Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг яшаган даври санъатнинг ҳар турида ҳам тараққиётга юз тутган давр бўлган. Ҳирот ҳокими Султон Хусайн Мирзо, халқ манфаати, халқнинг озодлиги ва тараққиёти устидан ташаббускор бўлиш ўрнига, аксинча ўзининг маишатига берилган. Шунга карамай унинг фан ва санъатдан хабардорлиги ва унга бўлган ҳаваси, Ҳирот санъати ва маданиятининг ўсиб гуллаши учун воситачилик ролини ўйнади, яъни унинг фан ва санъатга ҳаваскорлиги, Алишер Навоийнинг бу соҳада олиб борган ишларига ёрдам бермагандек, тўсқинлик ҳам қилмади. Алишер Навоий ташаббуси билан Ҳиротга санъаткорлар, шоирлар, илм арбоблари тўпланди. Навоий шоирларни тез —тез чақириб, ўзининг янги асарлари билан таништирар ва кўпчиликни фикрини олар, уларнинг ижодий ишлари билан танишиб, йўл— йўриқлар, маслаҳатлар беришга қизиқар эди. Чолғучи ва ашулачилардан мақомларни ижро эттириб ва уларни янги куй ва қўшиқлар яратишга чақирар эди. Мусиқашунослардан эса мусиқамизнинг тарихи ва ҳозиргача (Навоий давридаги) ҳолини ёзиш ва булар устида илмий асарлар ёзишни сўрар эди. Навоийнинг қилган ёрдамлари ва ташаббуси билан кўпгина шоирлар ва мусиқачи ва мусиқашунос олимлар шарқ санъати ва тарихидан ўрин олдилар.

Захириддин Мухаммад Бобур "Бобурнома"сида Навоийга қадар, фан арбоблари ва санъаткорларни илмий ва адабий жиҳатдан тарбиялаш, уларга ёрдам бериш ва улар билан йиғилишлар ўтказиш устида ҳеч ким ташаббускор бўлмаган ҳам бу тўғрида бирор иш қилишни ўйламаганлигини айтади.

Навоий мусиқани Хўжаюсуф Бурхон деган атоқли олимдан ўрганди. Навоий яхшигина мусиқа ижрочиси бўлибгина қолмай, бастакор ҳам эди. Шарқ мусиқасининг тарихини ўрганиб назарий томондан ҳам ўзининг билимини оширишга интилди. Навоий асарларини бирин —кетин санаб чиққан Бобур яхши "Нақш"лари ва яхши "Пешрав"лари бордир дейди.

Навоий уд номли чолғу асбобини жуда яхшигина чалибгина қолмай, қатор мусиқачи шогирдлар тайёрлайдики, улар ўз замонларида бутун Хуросонда шуҳрат қозонадилар. Алишер Навоий ўзбек тилида бадиий асарлар ёзди. Унинг она тилида ёзган шеърлари мусиқага солиниб кўшиқ бўлиб айтила бошланди.

XV асрнинг 2- ярмига келиб, Самарқанд ўзининг маданий мавқеини Ҳиротга бериб қўйди. Ҳиротда адабиёт ва санъат, меъморчилик, рассомлик ва мусиқа юксак даражада тараққиёт топди.

Ҳирот маданиятининг пешволари ҳамда энг ёрқин юлдузлари бўлиб, Шайх Абдурахмон Жомий (Навоий таъбири билан айтганда «Нури миллат»), вазири азам Алишер Навоий ва давлат раҳбари Султон Ҳусайн Бойқароларнинг ижод майдонига чиқишининг ўзи чинаккам уйғониш даври эканлигидан далолат беради. Бунда Абдурахмон Жомий форс - тожик тилига, Навоий ва Бойқаро эса турк тилига интилган. Шу билан бирга Зуллиссонайнлик – (икки тиллик) муҳитидаги мумтоз шерият ва классик мусиқанинг умумий маънавият майдони сифатида қарор топганлиги жаҳон сивилизацияси тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. Самарқанд ва Ҳиротда Мароғийдан кейин кўплаб мусиқашунослар етишиб чиққан. Улардан энг кўзга кўринган ва муҳимлари ҳамда мусиқий рисоалари бизгача етиб келганлари орасида Абдурахмон Жомий, Муҳаммад Биноий, Зайнулобиддин Хусайнийларни қайд этиш лозим. Бу муаллифлар мусиқий рисоаларининг барчасини Алишер Навоийга бағишлангандир. Бунинг устига номлари зикр этилган уламолар Султон Ҳусайн Бойқаро ва бош вазир Алишер Навоийнинг яқин маслақдошлари бўлганлар. Маълумки Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлигидан турли илмлар қаторида мусиқадан ҳам пухта билим олганлар. Иккаласи ҳам мусиқий ижрочилик ва ижод соҳаларида сезиларли ютуқларни қўлга киритганлар. Алишер Навоий «Ҳамсад ул - мутаҳаййирин» рисоласида қўл остидаги Темурийзодаларга мусиқий сабоқ бериш учун Ҳиротнинг

тўртта етук мусикашуносига тўртта рисола яратишни буюрганлиги тўғрисида ёзади. Улардан қоникмаган Алишер Навоий ўз устози Абдурахмон Жомийдан янги бир асар битишни илтимос қилади ва натижада олдингилариданда афзалроқ рисола дунёга келади.

Ҳиротда маданий ҳаётнинг гуллаб, яшнаган даврининг гувоҳи бўлиш қийин эмас эди. Шоир А.Навоий мусиқани ғоят севар ва унинг билимдони эди. Хатто у ўзининг мусиқий асарларини яратар эди. З.М.Бобурнинг «Бобурнома» асарида шоир Зайниддин Восифийнинг «Ажиб воқеалар» китобида Ҳиротда яшаб ижод этган мусиқачилар фаолияти кенг тасвирланади. Шайх Найи Хўжа Абдулла, Марварид Мирзо сингари кўшиқчи ва созандалар шулар жумласидандир. Хусайн Бойқаро саройида мусиқачилар гуруҳи тузилган бўлиб, уларнинг раҳбари Темурнинг невараси Мироншоҳнинг ўғли Саид Аҳмад эди.

Дарвешали Чангий ўз рисолаларида Саид Аҳмад тенги йўқ санъаткор дунёнинг барча улуғ кишиларининг безаги деб атаган эди.

А.Навоий ўз асарларида шоир, созандалар, ҳофизлар ва раққосалар иштирокидаги зиёфатлар, тасвирага катта эътибор берган. А.Навоий асарлари ғоят мусиқий, шоир халқ кўшиқларини яхши билган ва севган эди. Академик А.М.Мирзаев А.Навоийнинг форс – тожик тилидаги мероси билан узоқ йиллар шуғулланди ва қимматли илмий хулосаларга келди. Шу тариқа дейди. А.Мирзаев «Навоий ва ҳофиз» номли илмий мақоласида А.Навоий нафақат адабиётнинг буюк бир намоёндаси – адабиёт ва санъат аҳлининг ҳомийси ҳамда XV асрнинг 2- ярмидаги Мовороуннахр, Хуросон ва Эрон халқларининг илм, адабиёт ва санъат тараққиётига қудратли асос солган киши ҳамдир. Алишер Навоийнинг мусиқа илми билан жиддий шуғулланганлиги ҳақида унинг замондошлари ва бизнинг давримизгача бўлган бир қатор шоирларнинг ўз мулоқотлари ёзиб қолдирилган. Масалан, Мавлоно Соҳиб Балхий – Бовужуди шеър фанида маҳоратли киши эрди. Адвор ва мусиқий илмда комил эрди. Ўз ғазалларини ўз амалларига бағишлабдурким, анинг амали машҳурдир. А.Навоийнинг ўз

яқин қариндошларининг ҳам мусиқа илмидан бохабар этиб, етук инсонлиги ҳақида «Мажолис ун - нафоис» асарида шундай ёзади. «Муҳаммад Али Ғарибий ҳақ фикригина тағойи бўлур эрди, унинг овози ва мусиқий илми хўб эрди». Шулардан кўриниб турибдики А.Навоий яшаган муҳит бевосида мусиқий олам билан чамбарчас боғлиқдир.

*Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,*

*Ва рухсиз баданни киши тирик демас.*

Демак ҳар ким бир – бирига ҳиммат кўрсатмоғи меҳрли бўлиб яшамоғи зарурдир. Бу инсоний лутф ўша Навоий яшаган даврда ҳам ўз кучига эга бўлган экан.

Навоий ҳақида қанча гапирсак оз. Орадан 566 – йил ўтган бўлса ҳам Навоий ҳамон тирик, у ўзининг ўлмас нодир асарлари билан барча тарих зарварақларидан ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаган. ҳамма ҳар кун, ҳар қаерда Навоий ғазалларини куйлайди, ёд олади, ўқийди, ўрганади. Шунинг ўзи ҳам устозга катта эҳтиром десак янглишмаймиз.

Миллатимизнинг маънавий юксалиши кўп жиҳатдан миллий қадриятларимизни қайта тиклашни чуқур англаш, қалб билан ҳис этган ҳолда кенг кўламда тарғибот қилиш, ва энг муҳими ёш авлодни тарбиялаш изчил тақозо этади. Бу борада мусиқий қадриятларимиз алоҳида ўрин тутади. Айниқса, ўзбек ҳалқи мусиқасида мансуб турфа шаклли куй - кўшиқлари-ю, устоз санъаткорлар ижоди бўлмиш мақомлар халқимизнинг чинаккам бебаҳо маънавий бойликларини ташкил этади.

Замон мусиқий намуналарида авлод аждодларимизнинг қалб кўрида сақланган эзгуниятлари, орзу- умидлари, нозик ҳиссий кечинмалари ва умуман борлиқ ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Шу боис, миллий куй-тароналарни тинглар экансиз, улардан тараннум этилган «асрлар овози», дилрабо оҳангларда мужассам этилган нозик ва юксак инсоний ҳис туйғулар қалбимизни ҳаяжонга солади ва айни вақтда

ота- боболаримиздан мерос қолиб келаётганган бадий анъаналаримизни кадрлашга ундайди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгандан бошлаб таълим тизимида туб бурилиш ясалди.

Миллий мусикамиз, маданиятимизни ҳар қачонгидан чуқурроқ ва атрофлича ўрганиб, уни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ва тарғибот қилиш биз ижодкор мусика ўқитувчилари олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Инсоннинг рухий олами, нозик ҳис - туйғулари, ички кечинмалари ижтимоий фаолиятини бошқариш муҳим аҳамиятга эга.

Баркамол рухий кўтаринкилик ажиб ҳис-туйғуларни мутаносиблаштиришда миллий мусикамиз, жумладан: мақом, санъатимизнинг ўрни бекиёс, улкандир. Аждодларимиз асрлар давомида мусикамизнинг қудратига таҳсинлар ўқиганлар, ўз муносабатларида, меҳнат фаолиятларида ҳаётда ундан баҳраманд бўлганлар.

Мусикавий жиҳатдан саводга эга бўлиш ўзининг аниқ мақсад ҳамда вазифаларига эга. Буни амалга оширишда мавжуд миллий услублар муайян йўналишни белгилайди.

Мусикани ўзлаштириш, тинглаш, ижро этиш ва ундан ҳаётда фойдаланиш. Манфаатлар инсоний маданийлик билан уйғунлашиб кетади. Халқимиз яратган дурдоналаридан бири ҳисобланган мақомлар тарбияда, меҳнатда ва ижтимоий муносабатда маълум даражада ўз ифодасини топади. Мурғак гўдақдан тортиб, то нуроний қарияларгача санъат неъматларидан баҳраманд бўлади. Эртанги куннинг янада порлоқ бўлиши учун курашади.

Мусика мамалакатимизда катта тарбиявий имкониятларга эга бўлган мустақил соҳадир. Эндиликда мусиканинг жозибали хуснкор кўлами, унинг мавқеи янада кенгаяди, жамиятда тутган ўрни мустаҳкамланади. Ўқув-тарбия жараёнида мусика ёш авлодга ахлоқий – эстетик тарбия беришнинг

асоси бўлиб ҳисобланади. Таълим жараёнининг бир қатор жадаллашуви самарадорлиги унга боғлиқ.

Буюк истиқлолнинг дастлабки давонлардан ўтишида, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларида туб ислоҳатлар ўтказилаётган бир паллада жамиятимизда миллий маданият ва санъат, маънавият ва маърифат каби инсонпарвар ҳамда тараққийпарвар омилларга алоҳида диққат эътибор берилмоқда. Бу ўринда азалий бебаҳо кадриятларимизни халқчил удум ва анъаналаримизни тобора тўлароқ тиклаш тарихий – маданий ёдгорликларимизни, шу жумладан мусиқий меросимизни муфассал ўргана бориш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Уни ёш авлодлар томонидан илмий - амалий жиҳатдан ўзлаштириш учун сўнгги йилларда барча зарурий шарт- шароитлар юзага келтирилганини эътироф этиш лозим. Куй, оҳанг инсон руҳидаги илоҳий кайфият ифодаси. Муқим асарнинг ғояси, тасаввури дастлаб хаёлда пайдо бўлиб, сўнгра ижро туфайли садоланиш йўли билан жонланади, муайян куй шаклига айланади. Оҳанг садосини умри жуда қисқа; пайдо бўлиши биланоқ бир зумда назардан қочади, ғойиб бўлади. Лекин таъсирли товуш, оҳанг эшитувчи қалбида из қолдиради, завқ уйғотади ва шу лаззатли ҳолатга қайтадан интилишга даъват этди.

Бу жозибани Мавлоно Абдурахмон Жомий жуда гўзал ифодалаганлар: «Нағмалар таълифотида бошқа ҳеч бир таълифотда учрамайдиган шундай хусусият борки улар бир-бирларига муфиқ (мулойим) бўлганда руҳга тез, етиб бориб, ҳузур бахш этиш билан уни бутунлай чулғаб ўзига ром этади. Лекин руҳ ундан ҳузур ола бошлаганда у йўқлик пардасига ўраниб, ғойиб бўлади. Унинг йўқотилиши умидсизлик ҳосил қилса яна умидсизлик кайфияти тамом бўлмасдан туриб, кейинги пайдо бўлган нағма аввалги ҳузурнинг қайтиб келишини таъминлайди ва шу тарзда нағмалар таълифий муовофиқликда ўзаро алмашиб такрорланиб туради».

Куй шавқини сақлаб қолишнинг энг оддий йўлларида бири – дилда пайдо бўлган ҳолатни яқин қалблар билан баҳам кўриш. Агар Куйнинг

дастлабки оҳанги қабул қилинса, бефарқ қолмасдан таъсир ўтказса, мазкур завқ лаззатини давом эттириш иштиёқи уйғонади. Ушбу руҳий ҳолатда ижрочи ва эшитувчининг қалблари боғланиб, улар куйдан бир хил озуқа ола бошлайди, ана шундай хис туйғулар туташувидан уйғунлашган мусиқа жараёни юзага келади, ва унда ижодкор- яратувчига, эшитувчига эса унинг мухлисига айланади. Бу завқ тобора ривожланиб, куй жумлаларига, улар эса ўз навбатида янада йирикроқ бирикмаларга айланиб боради. Шу тариқа бирламчи зарб ва оҳанг заррачаларидан бутун бошли куй пайдо бўлади. Улар туташувидан йирик асарлар юзага келади. Демак, мусиқа шунчаки товушлар мажмуаси эмас, аксинча, парда ва усулларнинг мувофиқлашган тизимидир. Энг муҳими, куй- бу ёқимли товушлар воситасида ифодаланган маъно. Маъносиз товуш эса шовқин- сурондан бўлак нарса эмас, айниқса, анъанага айланган эътиборли куйлар негизида шундай чуқур маънолар ётадики, халқ хотираси уларни мумтоз асарлар сифатида сақлаб келади. «Мақом» деб номланувчи беназир мусиқа шажараси ҳам шу йўсинда вояга етган.

Навоий ижоди серқирра, маҳсулдор маънавият манбаидир. Жаҳон халқлари орасида ўзбек халқи ҳам ўзининг забардаст мутафаккирлари билан дунё маданиятида ўз ўрни ва мавқеига эга.

Биз Навоий таржимаи ҳолидан, ижодий фаолиятидан болалар китобхонлигига оид шундай бир жаҳоншумул ҳақиқатни англаймизки, у жуда ёшлигидан бошлаб адабий, нафис мажлисларда қатнашган. Шундай йиғинлардан маънавий озик ва бадиий илҳом олиб, ижод оламига кириб келган.

Маълумки, Навоий инсон умрини 4 босқичга бўлган эди:

Ёшлик – 7-20 ёшгача.

Йигитлик – 20-35 ёшгача.

Ўрта ошлик – 35-45 ёшгача.

Кексалик – 45-60 ёшгача.

Бундан шу нарса кўринадики, болаларни мустақил китобхонликка катталар томонидан ўргатиш 7 ёшдан бошланади. Бу китобхонлик, аввало, оила, катталар муҳитидан бошланиши барчага аёндир.

Буюк Навоийнинг ушбу фикрини қадимий Шарқда мавжуд бўлган оила фольклори ва унинг қадимий, анъанавий босқичлари ҳамда буюк инсонлар ҳузурида ўтказилган Ҳайёмхонлик, Бедилхонлик, Фузулийхонлик, Низомийхонлик, Жомийхонлик, Навоийхонлик сингари китобонлик давралари ҳам тўлиқ исботлайди. Бундай йиғинларда катталар билан бирга болалар ҳам иштирок этганлар ва камолот босқичларига кўтарилиб боришган. Агар биз Навоий ижодиётига болалар китобхонлиги нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, куйидаги манзарага дуч келамиз.

Навоий инсон умрининг ёшлик босқичини энг муҳими деб ҳисоблаган ва бутун инсоний фазилатлар шу босқичда вужудга келишига ишонган. Ўзининг “Ҳазойин-ул маоний” (“Маънолар хазинаси”) асарида 156 та шеърини асар ёзганини эълон қилади ва ўсмирлик шеърларини алоҳида бир китоб қилиб девон тўзади. Ана шу шеърлар болалар китобхонлиги учун бой манба ва у тарғиб қилиниши лозим. Бу китоб ҳозирги замон ёшларининг ҳаёт дастурига айланиб қолиши учун вақт етди.

Навоий ўзининг “Ҳамса” асарини яратганда ҳам болалар китобхонлигининг нодир намуналари бўлиб қолган ёдгорликлар, парчалар ижод қилади. Масалан: “Ҳамса” нинг биринчи асари (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) инқилобга қадар ўзбек мактабларида дарслик вазифасини ўтаб келганлиги ҳеч кимга сир эмас.

А. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги бош қаҳрамонларнинг сиймосида ёшлик билан йигитлик ўртасидаги узвийлик уйғунлашиб, ўқувчилар китобхонлигининг ноёб мулкига айланган. Масалан, “Фарҳод ва Ширин” дан олинган куйидаги парчага эътиборимизни қаратайлик;

Жаҳонда қолмади у етмаган илм,

Билиб тақиқни касб этмаган илм.  
 Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,  
 Олиб тупрокқами кетгумдир охир.

Булардан ташқари, “Саъбаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonларидаги жуда кўп ҳикматлар, эртақлар, афсона ва ривоятлар, хуллас, болаларбop эпизодлар алоҳида китоб тарзида чоп этилиши ҳозирги замон болалар китобхонлигига қўшилган нодир ёдгорликдир.

Умуман, Навоий ижодиёти заминиде мустаҳкам туриб, ўтмиш болалар китобхонлигини қайта яратишга тўғри келади. Улардаги илғор анъаналарни замонавий болалар китобхонлигига олиб кириб, ижодий бойитишимиз керак.

Навоий болалар руҳиятини жуда пухта билади. Ҳақиқатнинг мажозий – кушлар ва паррандалар турмушига боғлаб кўрсатилишига болалар иштиёқманд эканини ўз турмуш тажрибасида синаб кўрган. У ёшлик йилларидаёқ машҳур Шарқ мутафаккири Фаридуддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” асарини ёд олган ҳамда шу асар таъсирида фалсафий мушоҳадаларга борган. Кейинчалик кексалик пайтларида ўз болалигининг сеvimли ёдгорлиги бўлиб қолган бу асар асосида “Лисон-ут тайр” (“Қуш тили”) номли дурдонаси ёзган. Бу асар инсоннинг ўзлигини англашда, айниқса, болалар зеҳнида ўчмас из қолдиради. Сўнгги пайтларда Навоий ижодиётидан ҳикматли мисраларни тўплаб, алоҳида нашр қилиш анъанага айланиб бормоқда. Бу ишни 1948 – йилда машҳур фольклоршунос олим Ҳожи Зариф бошлаган эди. Сўнгра улкан Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон давом эттирди. У буюк Навоийдан 100 та мақол, нома, ҳикматларни тўплаб, жаҳоннинг 9 тилида нашр эттирди. Хуллас, Навоий ҳикматлари ҳам ўзбек болалар китобхонлигининг умр боқий мулкига айланиши зарур. Унга алоҳида шарҳлар ёзиш, болалар ҳаётига боғлаб педагогик таҳлил этиш Навоийшунос олимларимиз олдида турган долзарб масалалар қаторидан ўрин олишга арзийди.

Ҳақиқатдан ҳам, Навоий ижодиёти ўзбек болалар китобхонлигида ҳам юқори тараққиёт босқичини ташкил этади. Инсон умрини бир бутунликда

олиб қараган бу зот болалар китобхонлигининг мулки бўлиб қоладиган туюқлар, фардлар, рубоийлар, ғазаллар, касидалар, маснавийлар, мактублар ҳамда дostonларда ҳаётни мукамал талқин қилувчи эпизодлар ижод қилган. Унинг ижодидаги ажойиб эртақлар, ривоятлар, афсоналар ҳамда мажозий – фалсафий масалалар болалар китобхонлиги хазинасидаги ноёб дурдоналардир.

Янги авлоднинг маънавиятини қайтадан қуришни Навоий ижодиётини ўрганишдан бошлаш давр тақозасидир. Чунки унда инсон омилининг барча соҳаларини қамраб олган руҳиятнинг битмас – туганмас хазинаси мавжуд. Бу хазинадан ёшларни болаликдан бошлаб баҳраманд қилиш олиму фозилларнинг, илғор зиёлиларнинг муқаддас бурчидир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодини синчиклаб ўрганган одам бу сиймо қолдирган мероснинг нақадар салмоқли эканига ҳайратланмай иложи йўқ, Навоий фақат улуғ шоир ва атоқли давлат арбобигина эмас. Унинг йирик дostonларидан тортиб ихчам фардларигача, нозик ғазалларидан тортиб теран ҳикматларигача барчасида беназир, гўзал туйғулар, ақл бовар қилмас чуқур фалсафа мужассам. Навоий мероси фақат булар билан ҳам ўлчанмайди. Унинг асарларида акс этмаган соҳанинг ўзи йўқ десак, муболаға бўлмайди.

Шоир ўз устозлари, салафлари ҳисобланмиш ўнлаб шоирлар ижодини мукамал ўрганган ва уларни ҳар томонлама холис баҳолаган. “Мажолис ун - нафоис”да гап фақат шоирлар ҳақидагина бормайди. Муаллиф адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларини қамраб олади. Жумладан, замондош санъаткорлар, айникса мусиқа санъатининг кўзга кўринган вакиллари ижоди ҳақида тўлиқ ва чуқур маълумот беради, уларни таҳлил қилади. Бу жиҳатдан Навоий замонавий тилда айтадиган бўлсак, чуқур билимли адабиётшунос ва санъатшунос бўлган.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун - нафоис» тазкираси кўп асрлар давомида адабиётшунос ва санъатшунослар учун бебаҳо манба бўлиб келаётгани бежиз эмас. Буюк мутафаккирнинг бу китобида ўз замонасининг

машхур ижодкорлари ҳақида кенг ва теран фикрлар билдирилган. Масалан, Соҳиб Балхий мусиқа назариясининг билимдони бўлгани, ўзи ёзган ғазалларга ўзи мусиқа басталагани, Жомийнинг иниси Муҳаммад Жомий эса мусиқашунослик илмида беназир бўлгани, Хожа Юсуф Бурҳон мусиқа соҳасида донг таратгани ва Навоий уни бу соҳадаги устози деб билгани баён қилинади. Демак Навоийнинг ўзи ҳам соз чалиш санъатидан бебаҳра бўлмаган. Навоийнинг тоғаси Муҳаммад Али Ғарибий мусиқашунослик илмини яхши эгаллаган. Шоир шажара жиҳатидан ҳам санъатга бевосита алоқадор бўлган: унинг бобоси Абу Саид Чангий чанг созини мукамал эгаллаган. Шоир Биноий мусикий рисола ёзган. Солимий эса танбур, уд чалган. Паҳлавон Муҳаммад мусиқа назариясида ўткир мутахассис бўлган. Хожа Камолиддин Удий, Али Кармол Удийларнинг таҳаллусиданок санъатнинг қайси турида ном қозонгани кўриниб турибди.

“Мажолис ун - нафоис”ни форсийга таржима қилган Фаҳрий Хиротий бу асарга ўзидан замина тазкира-илова қилган. Унинг манбасида ҳам бой маълумотлар бор. Китобда мусиқа илмидан яхши бохабар бўлган шоирлар ҳақида анча кенг маълумотлар берилади. Жумладан, Мулло Низом Бадр хушовоз хонанда, машхур котиб Мулла Султон Муҳаммад Хандон моҳир найчи бўлгани, Бухоролик Мулла Кавкабий мусиқашунослик илмида ном чиқаргани, Хумойи Самарқандий эса хушовоз хонанда, Дарвеш Хайдар Турёний зўр созанда бўлгани баён этилади.

Навоийнинг “Мажолис ун - нафоис”и таъсирида ёзилган бошқа асарлар ҳам кўп. Жумладан, Сом Мирзонинг 1523 йилда ёзилган “Тухфаи - Сомий” китобида 661 нафар (баъзи манбаларда 704 дейилади) ижодкор ҳақида маълумот берилади. Улар орасида фақат қалам аҳли эмас, фозилу олимлар, хаттотлар, мусаввирлар, мусиқачи ва мусиқашунослар ҳақида ҳам кўп маълумотлар бор.

Замондош ижодкорлар ҳақида китоб ёзиш Бобурийлар даврида ҳам яхши анъана бўлган. Мутрибий Самарқандий 1605 йилда форсийда «Тазкират уш-шуаро» китобини ёзди.

Унда 350 шоир хақида маълумот берилган. Камолиддин Ҳофиз Абдурахим най ва қонунни яхши чалган. Мутрибий уни “муаллимим эди”, — дейди. Ҳамма созларни яхши чалган. Муҳаммад Ҳаким Мирзонинг ҳам мусикада таснифи бор. “Чапандозий” деган куйи Акбаршоҳга бағишланган ва шоҳ бир рубоий билан жавоб қилган экан.

Мутрибий ўз асарида Мулла Хожа Али Нойийнинг овози ва най чалишдаги айрим нуқсонларини ҳам кўрсатиб ўтган. Боқий Нойийнинг эса дастурхонга қараб баланд ёки суст най чалишини ҳажв қилади. Сеторни яхши чалган, овози ҳам ёқимли Файзий Балхийни муаллиф мадҳ этади.

Мусика илмида пешқадам бўлган Қосим Коҳий, Журмийлар ижодига юқори баҳо беради. Тазкирада бу каби маълумот таъкидлар анчагина.

1626 йилда Мутрибий яна бир тазкира “Нусхаи зебойи Жаҳонгир”ни яратади ва Акбаршоҳнинг ўғли Салим Мирзо — Жаҳонгиршоҳ номи билан тахтга ўтирган ҳукмдорга бағишлайди. Унда 251 шоир, адиб, ориф, фозиллар хақида маълумотлар бор.

Мутрибий мусика ва мусикачиларга батафсил тўхталган. Хушовоз хонанда Мулла Ҳожи, бўй-басти кичик, лекин овози ғоят баланд бўлган Ҳофизини Ноқис, дилнавоз созанда Махдий Қонуний ва бошқалар ижодини таърифлайди.

Мутрибий тазкирасида ўз вақтида удум бўлган “Воқиа” деб номланган адабий-илмий йиғинлар хақида лавҳалар келтирилади. Жаҳонгиршоҳ саройидаги бир анжуманда Муҳаммад Ҳаким Мирзо ёдга олинади. Унинг мусика илмини яхши билгани таъриф этилади. Ўша йиғинда шоҳ Мутрибийга тахаллусингизни зоҳир қилиб бирон куй чалиб, қўшиқ айтиб берсангиз, деб мурожаат қилади. Мутрибий эса “булар овозга боғлиқ, кексайиб қолдик, овозга нуқс етишган, ёқимли чикмас”, деб жавоб қилади. Жаҳонгиршоҳ эса “Камоли овозангиз овоз нуқсонини ёпиб юборади, бобом мажлисларида устод Али Дўст Нойий таснифлари ижро этилар эди, эшитсак”, — деб лутф қилади. Мутрибий кўлига доира олиб Устод Али Дўстнинг “Ироқ” куйини ижро этади...

Булар юртимизда адабиёт ва санъат кўп асрлар давомида юксак тараққий этиб келганини исботловчи кимматли маълумотлардир.

Нихоят, бошида таъкидланганидек, Алишер Навоий ҳазратларининг фақат адабиётга эмас, мусиқага ҳам катга эҳтиром билан қарагани бежиз эмас. Зеро Навоий деган тахаллуснинг маъноси ҳам шоир аждодига бориб тақалади: шоирнинг она томонидан бобоси Чангий экани, тоғаси Муҳаммад Али Ғарибий мусиқачи ва хонанда бўлгани, шоир ўз тарбиясига олган ўғли Шоҳқули Ғижжакий эканлиги ҳақидаги маълумотлар тарихда бор. Атоқли тарихчи Хондамир шундай деб ёзади: “Олий ҳазрат Амир Алишер мусиқа илмида ҳам шу қадар маҳорат ҳосил қилган эдиларки, муаллими соний, яъни Абу Наср Форобий ҳаёт бўлганларида ҳазратга шогирдлик сирғасини қулоғига тақиб олар эди. Қонунда, удда зўр таълим олган, бинобарин созанда аҳлининг кўпчилиги ҳамиша олий ҳазратнинг мулозаматида бўладилар...”

Бу мулоҳазалар ҳазрат Алишер Навоий ҳар томонлама етук ижодкор ва комил инсон бўлганини яна бир бор исботлайди.

Мана бир неча асрдан буён буюк Навоий даҳоси у билан бу даврда ижод қилган ва ажойиб асарлар яратган файласуф шоир, рассом, хаттот, наққошлар қолдирган қадимий маънавий мерос тадқиқотчи, ижодкорлар ва санъат ихлосмандларининг аклини лол қолдириб келмокда. Уларнинг ижоди жаҳон бадиий маданиятининг бебаҳо мулки бўлиб қолди. Улар мактаблар, йўналишлар яратганлар. Уларнинг ўз тадқиқотчилари, тақлидчилари, эргашувчилари бор.

## **II-БОБ: Алишер Навоийнинг ижодида муסיқанинг назарий ва амалий масалалари ифодаси**

### **2.1. Султон Хусайн Мирзо (1458-1506) ҳукмронлик даврида Алишер Навоийнинг муסיқа соҳасидаги фаолияти**

Хусайн Бойқаро ҳам шоҳ, ҳам шоирдир. Унинг номини тилга олганимизда дарҳол Алишер Навоий эсга тушади. Дарҳақиқат, улар замондош эдилар. Ёшлиқдан умрларининг охиригача ҳаётлари бирга кечди. Бир-бирларига ҳамкор, мадаккор бўлиб яшадилар. Хусайн Бойқаро кудратли шоҳ, буюк ҳомий сифатида Алишер Навоий даҳосининг юзага чиқишига қандай ёрдам берган бўлса, Навоий ҳам, ўз навбатида, Хусайн Бойқаро салтанатининг кудратини таъмин этишда, овозасини оламга ёйишда шунча хизмат қилди. Орадан юз йил ўтгач, машҳур Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий Навоийни улуғлар экан, «Манзури шаҳаншоҳи Хуросон» («Хуросондаги шоҳлар шоҳига манзур бўлган шоир») деб таъриф этади.

Умумун олганда, Хусайн Бойқаро шахс сифатида ҳам қатор фазилатлар эгаси эди. Масалан, у мард, шижоатли бўлган, қиличбозликда темурийлар орасида унга тенг келадигани бўлмаган. Адолатли бўлган. Ўғилларидан бирини одам ўлдиргани учун хун талабларга топшириб, ўлдиртирган. Адабиётни, санъатни севган. Унинг камчиликлари ҳам етарли эди. Маишатпараст эди...

Хусайн Бойқаро 1438 йилда Ҳиротда туғилди. Отаси Мансур ҳам, онаси Фирузабегим ҳам Темур авлодидан эдилар. Шу сабабли, Заҳириддин Муҳаммад Бобур уни «карим ут-тарафайн» («икки томонлама улуғ») деб атаган эди.

1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач, Хусайн Бойқаро тахт учун курашга киришади. Узоқ курашлардан сўнг у 1469 йилда темурийлар салтанатининг XV асрдаги энг йирик пойтахти Ҳиротни эгаллайди ва 1506 йилгача — вафотига қадар мамлакатни бошқаради.

Хусайн Бойқаро даврида мамлакатда илм-фан, адабиёт ривож топди. Пойтахтга истеъдодли зиёлилар, иқтидорли хунармандлар тўпланди. Мадрасалар тартибга тушди. Жуда кўп дунёвий фанлар ўқитила бошлади. Даврининг энг пешқадам олимлари мударрисликка жалб этилдилар. Бу мадрасаларда кўплаб чет мамлакатлардан талабалар келиб таҳсил ола бошладилар. Ободончилик, қурилиш ишлари амалга оширилди. Узоқ-яқин мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Масалан, 1490 йилда Хусайн Бойқаро Москвага элчи юбориб, дўстлик ва иноқлик ҳақида шартнома тузишни таклиф этган. Хусайн Бойқаро «Хусайний» таҳаллуси билан шеърлар ёзган ва ундан бизга бир «Девон» ва «Рисола» мерос бўлиб қолган. Девондаги шеърларининг аксариятини ғазаллар ташкил қилади. Бу ғазалларнинг кўпчилиги ишқ ва май мавзуида. Масалан, Хусайн Бойқаро «Ўти» радибли ғазалида «ўт» («олов») сўзининг оҳанг ва маъноларидан ғоят усталик билан фойдаланади. Ошиқнинг ички кечинмаларини таъсирчан лавҳа ва манзараларда ифода этади. Шеър

*Гар Хусайнийга бир ўтлуғ юз гами ўт солмаса,  
Бас нечук оламни куйдурди Навоийвор ўти? —*

деган ҳаяжонли байт билан яқунланади.

Хусайн Бойқаронинг май мавзуидаги шеърларида эса илоҳий мазмун сезилиб туради. Яъни май Оллоҳни англаш, унга етишиш воситасидир.

Шоирнинг бир қатор шеърлари Навоийга эргашиб ёзилган. Масалан, Навоийнинг машҳур:

*Очмагай эрдинг жамолинг олам аро кошки,  
Солмагай эрдинг бори оламда гавго кошки —*

матлаъли ғазалига:

*Қилмагай эрдим юзин кўрмак таманно, кошки,  
Солмагай эрдим кўнгул мулкига гавго кошки —*

деб бошладиган жавоб шеър битган.

Навоий ҳам Хусайний шеърларига назиралар боғлагани маълум. Масалан, Хусайний:

*Эй жафо тийги, келиб мажруҳ кўксумни ёру,  
Қўл аланг айлаб солиб ҳар ён ичимни ахтару.*

Навоий:

*Раҳм этиб эй дўстлар, мажруҳ кўксумни ёринг,  
Қўл яланг айлаб солиб, ҳар ён ичимни ахтаринг.*

Алишер Навоий Хусайн Бойқаро — Хусайний шеъриятига юкори баҳо беради, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида унга махсус бир фасл ажратади.

Хусайний ғазалларининг ҳаммаси бир вазнда — рамали мусаммани мақсур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) да эди.

Рисола насрда бўлиб, муаллифнинг ўзига хос шукронасидир. 1485 йилда ёзилган бу ихчам рисолада фикр Оллоҳ иноят этган подшоҳлик шукронаси билан бошланади. Муаллиф илм-маърифат йўлида қилинган ишлар, шеърят равнақидан сўз очади. Абдурахмон Жомийни хурмат билан тилга олади, Алишер Навоийнинг туркий тил ва адабиёт ривожига буюк хизматини эса завқу шавқ, кўтаринки бир ҳаяжон билан олқишлайди. Унинг «Хамса»сини кўкларга кўтариб таърифлайди. У билан замондош, яқин дўст бўлганидан ифтихор этади, шукроналар келтиради.

Хусайний ғазалларининг XV аср ўзбек шеърияти тараққиётида ўз ўрни бор. «Рисола» эса бир томондан, Алишер Навоийнинг туркий тил ва адабиёт тараққиётидаги буюк ролини англашга ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, шаклланиб келаётган насримизнинг муваффақиятли тажрибаларидан бири бўлди.

Алишер Навоий 1469—1472 йил давлат ва жамоат ишларда муҳрдор, 1472—1476 йилларда давлат арбоби вазир бўлиб ишлади, 1487—1488 йилларда Астрободга ҳокимлик қилди. Хусайн Бойқаро уни ўзига ғоят яқин тутар, ҳар бир нарсада у билан маслаҳатлашар ва буни ниҳоятда кадрлар эди. Тўғри, Бойқаро ва Навоий ўртасига учинчи киши аралашган, совуқчилик тушган

пайтлар ҳам бўлди. Лекин ўз даврининг бу икки атоқли арбоби ҳамкорлиги жуда кўп синовлардан муваффақият билан ўтиб, авлодларга ўрнак бўлиб қолди.

Муҳрдорлик давлат идорасидаги энг масъулиятли лавозимлардан бўлиб, мамлакат миқёсидаги барча ҳужжатларни синчиклаб кузатиш ва расмийлаштиришга тақозо этарди. Навоий хизматга ихлос ва меҳр билан киришди. У Ҳусайн Бойқарони ёшлигидан билар, унинг шахсига, истеъдодига, жасоратига катта ҳурмат билан қарар, самимиятига дилдидан ишонар эди.

Ҳусайн Бойқаро салтанатининг дастлабки йиллари жуда нотинч кечди. Хондамирнинг ёзишича, у тахтга чиққан йилнинг ўзида Абусаид Мирзонинг ўғли Ёдгор Муҳаммад тахт даъвоси билан кўзғалади. Ҳусайн Бойқаро унга қарши қўшин тортади. Икки темурий Машҳад атрофида бир-бирларига юзма-юз келадилар. Султон Ҳусайн мунажжим чақириб, юлдузлар ҳолатини билишни сўрайди. Навоий вақтни қўлдан бермасликни, юлдузларнинг ҳисоби қандай бўлишидан қатъи назар, ишни кечиктириш мумкин эмаслигини айтади. Маслаҳат Ҳусайн Бойқарога маъқул бўлади. Унинг қўшини шиддат билан ҳужум бошлаб, ғалаба қозонади. 1470 йилнинг баҳорида Ёдгор Мирзо Астрободда яна бош кўтаради. Ҳусайн Бойқаро Навоийни ёнига олиб, қўшин билан яна йўлга тушади. Худди шу пайт Ҳиротда кўзғолон бўлганлиги хабари келади. Ҳусайн Бойқаро Навоийни унга катта ваколатлар бериб пойтахтга қайтаради. Навоий шаҳарда адолатни тиклаб, халқни тинчитади. Шундай тўқнашувларнинг бирида Ёдгор Мирзонинг қўли баланд келиб, пойтахтдаги айрим кишилар унга қўшиладилар. Можароларни тинчитиш мақсадида уйлангани Абусаиднинг қизи Робия Султонбегим эрига хиёнат қилиб, у сафарга кетганда пойтахтда иниси Ёдгор Мирзо номига хутба ўқитади. Юрт бир муддат Ёдгор Мирзо қўлига ўтади. Бу ҳол Ҳусайн Бойқарога қаттиқ таъсир қилади. Тушкунликка тушади. Навоий шундай пайтда унинг ёнида туради, тасалли беради. Ўша 1470 йилнинг ўзида пайт пойлаб, Навоийнинг

маслахати билан Мурғоб дарёси бўйларидан жуда қисқа муддатда Ҳиротга етиб келади ва Боғи Зоғонда маишатдан чарчаб ухлаб ётган Ёдгор Мирзони кўлга олади. Шундан кейингина Хуросонда маълум муддат тинчлик, осойишталик қарор топади.

Хусайн Бойқаронинг барча хотинларидан 14 ўғли бор эди. Ҳаммасидан каттаси Бадиуззамон бўлиб, унинг онаси Марв ҳокими Султон Санжарнинг кизи эди. Энг суюкли ўғли Хадичабегимдан кўрган Музаффар Мирзо эди. Бобурнинг ёзишича, Музаффар Мирзонинг феъли ва хулқи севишга у қадар муносиб ҳам эмас эди, лекин отаси бошқа ўғилларидан ортиқ кўргани, айниқса, Хадичабегимнинг саъй-харакати билан ёш, истеъдодли Мўмин Мирзо қатл қилингани учун ўғиллари у билан ёвлашиб қолдилар. Бадиуззамон билан Музаффар Мирзо оралари жуда ёмон бўлди. Ота-ўғил урушларининг кўпи шундан чиқди. Бадиуззамон отаси билан юрт талаша бошлади.

А.Навоий Бадиуззамонга ёзади: «Пайғамбар буюрубтурки, тангри таоло ризоси ота ризосига вобаста (тенг)дур ва тангри таоло ғазаби ҳам ота ғазабиға вобастадур. Бас, киши ота ризосин ҳосил қилса, тангри таоло ризосини ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазабиға учраса, тангри таоло ғазабиға учрамиш бўлғай. Мундай бўлғондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай. Ва машойих сўзидирким: «Отанг — парвардигорингдур», бу жиҳатдинким, тангри таоло сенга йўқдин бор қилмоққа васила (воситачи) улдур ва туфулият (болалик)дин шабоб сени (балоғат ёши) ғача парвариш бергувчи... ул...»

Буюк мураббий жуда кўп марта ота-ўғиллар ўртасига тушади, шаҳзодаларга панд-насиҳатлар бериб, юртни ғалаёнлардан сақлаб қолади. Яна бир мисол. Султон Хусайннинг Навоийга ёзган хатларидан маълум бўлишича, шоҳ ўз дўстининг ҳар қандай фикрини эшитишга доим тайёр бўлган, уни ҳар бир масала бўйича тўққиз мартагача ўз фикрини айтиш ҳуқуқи берилган. Хусайн Бойқаро хаёлига ногоҳ Хоразмдан бир неча минг хонадонни Хуросонга

кўчириш фикри тушади. Бундай катта тадбирнинг эл учун катта ташвиш эканлигини яхши англаган шоир ўз эътирозини тўққиз марта айтади. Шоирнинг эътирозлари шоҳга ёқмайди. Шунда у шоҳга унинг ваъдасини эслатиб, ўнинчи бор мурожаат қилади ва ўзининг ҳақ эканлигига Ҳусайн Бойқарони ишонтиради, минглаб кишиларни азоб- уқубат ҳамда ватан ҳижратидан асраб қолади.

Алишер ижод кишиси эди, албатта. У табиатан буйруқвозликдан ва ҳукмфармоликдан йироқ, тафаккур ҳамда тахайюл (хаёл суриш)га мойил, ғоят нозиктаб бир киши эди. Мансаб-лавозимлар ҳар қанча юксак бўлмасин, унинг учун зил-замбил юк бўлиб, Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлос ва муҳаббатгина уни истеъфо беришдан сақлаб турар эди. Шунга қарамасдан, у садоқат билан хизмат қилди. Донишмандлиги, ' тадбиркорлиги билан кўплаб ғалаёну қон тўкилишларининг олдини олди, урушларни ярашга айлантирди. Унинг бу фазилати, айниқса, 1472—1476 йиллардаги вазирлик фаолиятида яққол намоён бўлди.

Ҳусайн Бойқаро ҳокимият ишларида Навоийнинг ақл ва садоқатига таяниб иш кўрди. Уни, қаршилигига қарамасдан, юқори мартабаларга тайинлади, 1472 йилда эса «амир» (вазир)ликка қўйди. Буюк шоир «амири кабир» '(улуғ амир), «амирул муқарраб» (подшоҳга' энг яқин амир) унвонларига мушарраф бўлди. Унинг вазирлик йиллари Ҳиротда ободонлик ишлари авж олган, маданият гуллаб- яшнаган давр бўлди. Улуғ амир ўзи бош бўлиб, сувсиз ерларга сув чиқарди, эски ариқларни тозалаттирди, яъни каналлар қаздирди. Эски биноларни таъмир қилдириб, янгиларини қурдирди. Қанчадан-қанча мадрасалар, хонақоҳлар солдирди.

Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ»ида буларнинг батафсил рўйхатини келтирган. Шунингдек, шоирнинг «Вақфия» асарида ҳам бу ҳақда қизиқарли маълумотлар бор. Маълум бўлишича, отамерос катта мол-мулк (Абусаид уни мусодара қилгандан сўнг Ҳусайн Бойқаро тиклаб берган), вазир сифатида кўплаб ер ва сармоя соҳиби бўлган Алишер Навоий,

Бобурнинг қайд этишича, Хусайн Бойқарога ҳар йили мамлакатнинг ободонлик ишлари учун «пешкан» (тортик)лар қилиб турган. Султон Хусайн даврида, 90-йилларнинг охирида зилзила бўлиб, буткул вайронага айланди.

Алишер Навоий шохдан изн олиб, мадрасани тузатишга киришди. Ўзи ишчилар сафида туриб, этагини белига қистириб ишлади... Улкан бино олдиндагисидан ҳам улугворроқ қилиб тикланди, тоқу равоқлари ислимий ва хитойи нақшлар, ажойиб ихтиролар билан безатилди. Ёнғоқ ёғочидан ясалган эски минора Хавоф вилоятдан келтирилиб, мрамардан олимақом тарошланган янгиси билан алмаштирилди. 1500 йилнинг 16 мартада барча ишлар поёнига етди. Амир Алишер ўша куни элни тўплаб, ош берди ва иморатни битиришда иштирок этган юзга яқин устага инъомлар улашди».

Навоий илм ва санъат аҳлининг ҳомийси, мададкори эди.

Захириддин Бобур ёзади: «Аҳли фазл ва аҳли хунарға Алишербекча мураббий ва муҳаввий (мададкор) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайх Нойи ва Хусайн Удийким, созда саромад (машҳур) эдилар, бекнинг тарбият ва тақвият (мадад)и била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар. Устоз Беҳзод ва Шох Музаффар тасвирда бекнинг саъй (ғайрат) ва эҳтиром (ҳиммат) и билан мундоқ машҳур маъруф (маълум) бўлдилар...»

Хондамир «Халосия» хонақосидаги ўзининг дам олиши учун ажратилган хонани бобоси Мирхондга бериб, «Равзат ус-сафо»ни ёзишни буюргангани хабар қилган эди. Шеър илмининг билимдони Атоуллоҳ Хусайний, кўп фанларни эгаллаб шуҳрат қозонган Хусайн Воиз Кошифий каби ўнлаб истеъдодлар Навоий тарбиясида вояга етдилар.

А.Навоий бу гўзал тасвир ва хаёлдан Лутфий сингари беҳад мамнун бўлади. Хусайн Бойқаро ҳузуридаги адабий суҳбатларнинг бирида Хусрав Дехлавийнинг ўша ўхшатишини завқ-шавқ билан таъриф этади. Хусайн Бойқаро кулиб қўя қолади. Навоий ўз гапларининг Султон Хусайнга ёқмаганини пайқайди. Ер ўпиб, унинг эътирозини сўрайди. Шунда шох:

«ёмғир томчилари юқоридан пастга қараб тушади, бинобарин, ундан ҳосил бўладиган ришта (ип) ҳам қуйига қараб ҳаракат қилади. Шунга кўра, маҳбуб «ёмғир риштаси»га осилиб, ўрnidан туриб кетиши мумкин эмас.

Агарда у ерда:

*Заъфарон кулбамда кўрмоқ истасам айлар мадад,  
Анкабуте ришта осқон бўлса ҳар деворга*

(Шу кадар заифлашганманки, кулбамда ўрнимдан турмоқ истасам, деворга осилган ўргимчак торлари менга мадад беради) дейилса, шеърий мантикқа тўғри бўлур эди», дейди.

Навоий дўсти Султон Ҳусайннинг зукколигига таҳсинлар ўкиб, ўз нуқсонини бўйнига олади ва шоҳ шоирнинг ҳаққига дуо қилади. Алишер Навоий шеърни, шоирлик- Ижод оғушини ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам шеър ёзишни тўхтатмади.

Атрофидагилар унинг бу ишига рағбат ва ҳурмат билан қарадилар. Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг ўзи унга раҳна-молик қилди. Улуғ шоирнинг илк шеърий девонини мухлислари тузган бўлсалар, биринчи девони — «Бадое ул-бидоя» (Бадийлик ибтидоси)ни 1472—1476 йилларда шоҳнинг амри ва истагига кўра ўзи китоб қилди. 1476—1483 йилларда иккинчи девон «Наводир ун-нихоя» (Нихоясиз нодирликлар) майдонга келди. ,

Навоий 1481—1482 йилларда «Вақфия» асарини ёзади. Вақф деб бирор хайрли ишнинг сарфу харажатини таъмин қилмоқ учун ажратилган ер ёки мулкка айтилади. Мактаб, мадрасалар, турли-туман хонақоҳлар асрлар давомида вақфлар ҳисобига яшаб келган. Алишер Навоий бу Масалага алоҳида эътибор қилди, замонасининг ҳам эътиборли, ҳам сарватманд

кишиси сифатида уни тартибга солишга ҳаракат қилди. «Вақфия» шу йўлдаги кадамдир.

Навоийнинг энг катта орзуси йирик дostonлар ёзиш, биринчи навбатда, XII асрнинг буюк шоири Низомий Ганжавий (1141—1209) дан кейин шоирлик қудратининг мезонига айланиб қолган «Хамса» яратиш эди.

Шарқ анъанасига кўра, шеърнинг кадри буюк эди. Шеърнинг ҳам маснавийси алоҳида эътиборда келарди. Маснавий эса, асосан, дoston деганидир. Кенг қамровли, воқеабанд асарлар мана шу жанрда ёзилган. Шу жумладан, Низомийнинг «Панж ганж» номи билан тарихга кирган «Хамса»си 5 маснавийдан ташкил топган эди: «Махзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал), «Искандарнома».

«Махзан ул-асрор»да дунё, умр, ахлоқ, инсонийлик каби ҳаёт учун энг зарур масалалар ҳақида гап кетарди. «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» афсоналар билан чулғанган, ишқдан — муҳаббатдан ҳикоя қиларди. «Ҳафт пайкар»да ошиқлик ва шоирлик можаролари, «Искандарнома»да дунёнинг мазмун-моҳияти муайян тақдирлар мисолида ҳаяжонли воқеалар билан боғлаб кўрсатиб берилган эди. Юз йилдан кейин унга Хусрав Деҳлавий (1253—1325) жавоб қилди. У ўз дostonларини «Матла ул-анвор» (Нурлар бошланиши), «Ширин ва Хисрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт беҳишт» (Саккиз жаннат), «Ойнайи Искандарий» (Искандар ойинаси) деб атади. Лекин булар ҳаммаси форсча ёзилди. Улардан форслар, шу тилни билганларгина баҳраманд бўлдилар. Ўз халқининг шундай хазинадан бебаҳра қолиши Навоийни қийнайди. Иккинчи томондан, тилни чархловчи, борлиғини намойиш этувчи майдон бадий асардир, тил ва адабиёт эса улкан баҳслар, мусобақалар орқалигина тараққий топади. Бу жиҳатдан ҳам дostonлар керак. Навоий маслаҳатга устози Абдурахмон Жомий ҳузурига боради. Жомий Навоийни бу ишга тезликда киришишга ундайди, унинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлайди.

Шоир устозидан оқ фотиҳа олиб, оғир, машаққатли ишга киришади. Низомий билан беллашиш унинг панжасига панжа («Хамса»сига «Хамса» билан жавоб қилиш) уруш учун майдонга чиқиш улкан жасорат талаб қиларди. Шерга юзма-юз бўлиш учун шер бўлмаганда ҳам йўлбарс бўлмоқ лозим эди.

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,*

*Низомий панжасига панжа урмоқ.*

*Керак шер олдида ҳам шери жанги,*

*Агаршерўлмасаборипаланги.*

Навоий беш дostonни икки йилда ёзиб тамомлайди. 1483 йилда ўз «Хамса»сини ёзиб бошлаб, 1485 йилнинг бошида тугатади. Шоир ишлаган кунлар ҳисобга олинса, 54 минг мисралик улкан обида 6 ойда битказилади. Туркий тилда биринчи мартаба «Хамса» яратилади. Олиму фузалолар барча бу ҳодисани зўр олқиш билан кутиб олдилалар. Абдурахмон Жомий ёзади: «Бу қаламга фалақдан офаринлар ёғилсин. Бу қалам форсий тил эгаларига, форсча назм дурларини тергувчиларга раҳм қилди, у ҳам шу форсий тилда ёзганида, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Унинг мўъжизали шеъри олдида Низомий киму Хисрав ким бўларди?!».

Хусайн Бойқаро-чи? У Навоийнинг бир вақтлар Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубидаги гапларини шунчаки бир «хомайи газоф» (шоирона гап) деб ўйлаган эди. Шоир султонга «Хамса» сини тақдим этганида, у ғоят ҳаяжонга тушди.

Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вақоеъ»сидан: «Шоҳ Навоийга: Бир можаро Сиз билан бизнинг орамизда кўпдан ҳал бўлмай келади, шуни бугун бир ёқлик қилайлик, дейди. Бу можаро шундан иборат эдики, Султон Хусайн Алишерга муриди бўлишни кўпдан орзу қилар ва уни «пирим» деб атар эди. Алишер эса ҳар гал «Ё олло ё олло, бу қандай гап бўлди! Аслида биз муридмиз, сиз ҳаммамизга пирсиз», дер эди.

Энди Султон Ҳусайн Алишердан сўради:— Пир нимаю, мурид нима?

Алишер жавоб берди:

1. Пирнинг тилаги — муриднинг тилаги бўлиши керак. Шунда Султон Ҳусайн ўзининг оқ отини олиб келишни буюрди. От жуда асов, чопагон эди.

Султон Ҳусайн айтди:

2. Сиз мурид, мен пир бўладиган бўлсам, Сиз шу отга миносиз, мен уни етаклайман.

Алишер ноилож отга минишга мажбур бўлди. От ғоят асов бўлиб, шохдан бошқани ўзига яқинлаштирмас эди. Алишер оёғини узангига қўйиши билан от типирчилай бошлади. Султон Ҳусайн отига ўшқирди, от итоат қилиб, Алишернинг минишини кутди. Алишер эгарга ўтириши билан Султон Ҳусайн отнинг жиловидан ушлаб етаклай бошлади. Алишер ҳушидан кетди. Уни эгардан кўтариб олдилар».

Тарихда бундай ҳол кўрилмаган эди. Ҳеч бир замонда шох шоирга жиловдорлик қилган эмас эди.

Алишернинг шох қошида ошиб бораётган мавқеъ-эътибори Ҳусайн Бойқаро саройидаги Мажидиддин бошлиқ бир гуруҳ эл ҳақидан ҳазар қилмайдиган амалдорларни ташвишга солиб қўйди. Улар шохнинг адолатпараст бу амирни кўздан узокроққа жўнатиш йўлини излай бошладилар. Хазинанинг тўсатдан бўшаб қолганлиги билан боғлиқ қуйидага воқеа бунга жуда қўл келди.

Бобур «Бобурнома»да хабар беради: «Мажидиддин парвоначи (шохнинг ёрдамчиси) бўлиб юрган пайтлар Султон Ҳусайнга озроқ пул керак бўлиб қолади. Амир ва вазирлар топиб беролмайдилар ва яқин ўртада топишнинг имкони ҳам йўқлигани билдирадилар. Шу ерда ҳозир турган Мажидиддин Муҳаммад кулиб қўяди. Шох сабабини сўраганида, четга имлаб дейди: агар шохим менга ихтиёрни бериб, сўзимдан чикмасалар, қисқа муддатда мамлакатни маъмур, элни миннатдор, мўл-қўл қилгайман... Ва Султон унга

шундай эрк берди. Мажидиддин эса Алишербек бошлиқ беклар ва мансабдорларга қарши иш тутди...»

Дарҳақиқат, Мажидиддин оз вақт ичида хазинага катта пул тўплаб, шоҳни мамнун этди. Лекин бу пулларнинг аксарияти кишилардан зўрлик билан ноҳақ тортиб олинган эди. Хуллас, Мажидиддин 1487 йилда Навоийни пойтахтдан узоққа жўнаттиришга муваффақ бўлди.

Навоийни Астрободда иззат-икром билан кутиб олдилар. Унинг номи бу пайтда ғоят машхур эди. Девонлари, айниқса, «Хамса» унинг шуҳратини оламга ёйган эди. Масалан, Навоий ғазаллари Усмонли давлатининг ҳукмдори Боязид II қўлига 1481 йилда бориб етади. Бурса шаҳридаги Аҳмад Пошшо Навоийнинг 33 ғазалига назира боғлаб, Усмонли турк адабиётига чиғатой адабий тилини олиб киради.

Астробод Ҳусайн Бойқаро салтанатидага эътиборли шаҳарлардан эди. У биринчи марта ҳокимликни шу ерда бошлаган. Астробод мамлакатнинг ғарбий чегарасида жойлашган, иқтисодий, сиёсий муҳим аҳамиятга эга бўлган, айти пайтда ғоят гўзал, хушҳаво шаҳар эди. Алишер у ерга ҳоким этиб тайинланиши билан яқин-атрофдага Мозандарон, Журжон вилоятлари ҳокимлари унинг ҳузурига ўз ихтиёрлари билан келиб тобеъ бўладилар. Озарбайжон ва Ироқ Астробод билан дўстона муносабатларни йўлга қўяди. Туркманлар ҳукмдори Яқуббек совға-саломлар билан Навоийни табрик этгани келади. Шуларга қарамасдан, шоир ўзини қувғинда ҳис қилади. Астрободда ҳар бир кунни бир йилдек ўтказди. Бир йил ўтар-ўтмас, шоҳ ҳузурига бориб, Ҳиротга қайтишга рухсат сўрайди. Рухсат бўлмайди. Салкам икки йилдан сўнг, бир тасодиф билангина шоир туғилган шаҳрига қайтишга муваффақ бўлади. Бу тасодиф Навоийга суиқасд билан боғлиқ воқеадир.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»сида келтирилишича, Астрободда Алишер билан биргаликда бўлган унинг ўғай укаси амир Ҳайдар Ҳиротга баъзи ишлар билан борганида «подшоҳнинг яқин кишилари ошпазга

Алишернинг овқатига захар кўшиб беришни буюрибдилар ва бундан подшоҳнинг ҳам хабари бор эмиш» деган гапни айтади. Шох дарров Астрободга мактуб юборади ва бундай гапларнинг ҳеч қачон хаёлига келмаганини айтади. Шундан кейингина Навоий Ҳиротга қайтишга муваффақ бўлади.

Орадан кўп ўтмай, Балхдан Навоийнинг укаси Дарвешали акасининг давлат ишларидан узоқлаштирилгани, кадр-қиммати оёқости қилингани сабабли шохга қарши исён кўтарганини хабар қиладилар. Шох Мажидиддинни саройдан узоқлаштиришга мажбур бўлади. Унинг ўрнига Низомулмулк тайин этилади. Бироқ саройдаги фитна ва фисқу фасодлар босилмайди. Низомулмулк шохнинг суюкли, аммо «беақл ва сергап» (Бобур) хотини Хадичабегим билан тил бириктириб, янги фитналар тайёрлайди.

1480—1490 йиллар Навоий учун бадиий ижодда самарали давр бўлди. Шоир «Хамса»дан кейин кўп ўтмай, кетма-кет насрий китоблар яратди. У 1488 йилда ёзган «Тарихи мулуку Ажам» (Ажам — ғайриараб шохлари тарихи) шуларнинг бири эди. Бу асар «Муҳокамат ул-луғатайн»да «Зубдат ут-таворих» (Тарихлар қаймоғи) ҳам деб аталади. Китобнинг асосий ғояси ўтган шохларнинг ҳаёти, қилган ишлари орқали замондошларига ибрат ва сабоқ бермоқдир. Шоир подшоҳ кишининг дарвеш хулқли бўлишини, ҳар қандай ҳолда ҳам кичик феъл, камтарин бўлиб қолишини истайди. Чунки умр абадий эмас. Дунёда нимаики бор, ўткинчидир. Биргина нарса боқий, у ҳам бўлса, адолатдир. Навоий Хусайн Бойқарони шундай адолатпарвар шохлардан ҳисоблайди ва унинг «туғилган кунидан бу дамгача» бўлган тарихини ёзажашни айтади. Бироқ, унинг бу ниятлари амалга ошмай қолди. Шунингдек, Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» (Анбиёлар ва ҳақимлар тарихи), «Сирож ул-муслимин» (Мусулмонлик нури) асарлари ҳам ибрат ва панд мазмунини кўзда тутган эди.

1480 йилларнинг охири, 1490 йилларнинг бошида Навоийнинг яқин дўстлари, устозларидан Саййид Ҳасан Ардашер (1489), Абдурахмон Жомий (1492), Паҳлавон Муҳаммад (1493) кетма-кет вафот этдилар. Навоий уларга бағишлаб «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Хамсат улмутаҳаййирин», «Ҳолоти паҳлавон Муҳаммад» асарларини ёзади. Бу асарлар насрий бўлиб, шоирнинг бу улуғ замондошлари ҳақидаги мемореал-хотираларидан ташкил топган эди.

1491 йилда шоир муаммо жанрига бағишланган «Рисолайи муаммо» (иккинчи номи «Муфрадот») рисоласини ёзди. Навоий замонасида муаммо жанри кенг тарқалган бўлсада, асосан, форс тилида ёзилар эди. Навоий ўзбек тилида муаммо ёзган илк ўзбек шоирларидан бўлди. «Ҳазойин ул-маоний»га унинг муаммоси киритилган. Шоирнинг форс тилидаги муаммоларини эса 500 чамалайдилар. Шоир муаммони тузиш ва ечиш қоидаларига бағишланган ушбу асарини форсча ёзди. Ҳадислар асосидаги 40 рубоийни ўз ичига олган «Арбаин», машҳур ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий» асарининг шеърӣ таржимаси, рубоийдан ташкил топган «Назм ул-жавоҳир» ҳам шу йиллари юзага келди.

Навоийнинг 1490 йиллардаги энг катта хизматларидан бири «Ҳазойин ул-маоний» (Маънолар хазинаси) тузиши бўлди. 1492—1498 йилларда тартиб қилинган 4 қисм девондан иборат бу улкан шеърӣ куллиёт шоирнинг туркий тилда ёзилган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди. Навоий уларни табиат фаслларига мослаб тўртга бўлди ва ҳар бир девонга шунга мувофиқ ном қўйди. Шоир 7—8 ёшидан 20 ёшигача бўлган даврини умрининг навбаҳори ҳисоблади ва шу давр девонини «Ғаройиб ус-сиғар» (Ёшлик ғаройиботлари) деб атади. 20 ёшдан 35 ёшгачасини умрининг ёзи деб белгилади ва «Наводир ушшабоб» (Йигитлик нодирликлари) деб атади. 35—45 ёшини умрининг кузига қиёс этди ва «Бадоеъ улвасат» (Ўрта ёш бадиалари) деди. 45—60 ёшини умрининг қишига ўхшатиб, «Фавойид ул-кибар» (Кексалик фойдалари) деб номлади. Навоий араб, форс тилларини мукаммал билган ва уларда ҳам ажойиб асарлар ёзиш қудратига эга эди.

Шоирнинг 12 минг мисра форсий шеърларини ўз ичига олган «Девони Фоний»си, деярли ҳар бир асарида учрайдиган ихчам арабий матнлар буни очик кўрсатиб турибди. «Хамса» эса буюк шоирнинг тарих ва илми нужумни пухта эгаллаганлигини намойиш этган эди. Дарҳақиқат, Навоий барча фанлар билан шуғулланган эди. Ҳатто, ўқ отиш ҳақида «Рисолайи тир андохтан», луғатшунослик борасида эса «Сабъату абхур» (Етти денгиз) номли китоб ёзган. Айниқса, кейинги асари мумтоз араб тилининг изоҳли луғатини тузишда муваффақиятли тажрибалардан ҳисобланади. Шулар қаторида Навоий адабиётшунослик ва адабиёт назарияси борасида ҳам махсус асарлар яратди. Юқорида тилга олганимиз «Рисолайи муаммо» шундай асарлардан бири эди. Шоир бу билан чекланмайди. У 1490 йилларда «Мажолис ун-нафоис» (Нозик дидлилар йиғилишлари) номли ўзбек тазкирачилигининг илк намунасини яратди, «Мезон ул-авзон» (Вазнлар ўлчови) асарини ёзиб, ўзбек аруз шеърининг бир неча асрлик тажрибасини умумлаштирди. 1490 йилларнинг бошидаги оғир <sup>Ҳаётининг сўнгги</sup> йўқотишлар, айниқса, 40 йиллик қадрдонлари Паҳлавон Муҳаммад билан устози Жомийдан жудо бўлиш Навоийга қаттиқ таъсир этади. Бунинг устига саройда Хадичабегим Низомулмулк билан мулк ва мансаб иштиёқида янги-янги фитналар тўқийди. Шу фитналар натижаларидан бири пок қалбли барча кишиларни ларзага солиб, мамлакатни ҳалокат ёқасига келтириб қўяди. Бу Мўмин Мирзонинг ўз бобоси фармони билан қатл қилиниши эди. 1489 йилда Навоий Ҳиротга қайтгач, ўрнига Астробод ҳокими қилиб Бадиуззамон тайинланган эди. Бу орада Балхда Дарвешали кўзғолони бошланади. Ҳусайн Бойқаро Навоийни олиб, Балхга жўнайди. Дарвешали билан сулҳ тузилади, лекин Ҳисорда Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд Ҳусайн Бойқарога қарши кураш бошлайди. Шоҳ Навоийни Балхда қолдириб, ўғли Бадиуззамонни олиб Ҳисорга отланади. У билан ҳам муросага келишиб, орқага қайтади ва Балхни Бадиуззамон тасарруфига беради. Бадиуззамон ўғли — 13 ёшли Мўмин Мирзони Астрободда қолдириб, Балхга келади. Хадичабегим Низомулмулк билан биргаликда Астрободга Музаффар Мирзони ҳоким

қилиб тайинлашга эришадилар. Хусайн Бойқарб ва Бадиуззамон ўрталаридаги муносабат ёмонлашади. Бадиуззамон Мўмин Мирзога Музаффар Мирзони шаҳарга киритмасликка буйруқ беради. Шоҳ тезда Навоийни Балхга юборади. Навоий ота ва ўғил орасига тушиб, уларни яраштиради. Бироқ, худди шу пайтда Хусайн Бойқаронинг Бадиуззамонни қўлга тушприш ва қамоққа олиш ҳақидаги Балхга, шаҳар кутволига йўлланган яширин фармони маълум бўлиб қолади. Яраш яна урушга айланади. Навоий воқеанинг бундай изга кириб кетганидан қаттиқ изтироб чекади ва умидсиз орқага қайтади. Ота-ўғил урушида Бадиуззамон енгиледи. Мўмин Мирзони Музаффар Мирзо асир олади. Ўшанда Мўмин Мирзо мана бу байтни айтган экан:

*Каз тиги ман баса беша ҳоли аз газанфар шуд,  
Фалак ёри накард, эй дўстон, душман Музаффар шуд.*

(Мен ўз қиличим билан кўп монлардан шерларни қувган эдим, Такдир дўстлик қилмади, эй дўстлар, душманим Музаффар бўлди — ғолиб келди.) Ушбу бадихадага биргина Музаффар сўзининг тажнис келиши (икки маънони англатиши) Мўмин Мирзонинг юксак истеъдодидан дарак бериб турибди.

Афсуски, унинг ҳаёти фожиа билан яқунланди. У қўлга тушгач, шошилинич Ҳиротга жўнатилди. Бу хабар Ҳиротга етганда, шаҳар аҳолиси унинг истиқболига чиқди. У эса Ихтиёриддин қалъасига қамалиб, қатлига фармон тайёрланди. Хадичабегим ва Низомулмулк шоҳнинг маст - аласлик чоғида унга қўл кўйдириб, тезликда фармонни ижро қилдириб юбордилар. Шоҳ ҳушига келиб, яна фармон жўнатганида жаллод Мўмин Мирзонинг бошини кесиб ул- гурган эди.

Бу воқеа 1497 йилнинг сентябрида юз берган эди.

Хондамир ёзади: «Мўмин Мирзо ўлдирилган вақтда Алишер Навоий Машҳадда эди. Ҳиротга қайтгач, Мўмин Мирзонинг ўлдирилганини эшитиб, жуда қаттиқ изтиробга тушди, кўзларидан ёш ўрнига қон тўкиб йиғлади.

Ўша кунлари мен Алишернинг оғзидан: «Бир вақтлар Шайх Мажидиддин Бағдодийнинг ўлдирилиши оқибатида Чингиз қўшинларининг хужумидан Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда қандай қарши бўлган бўлса, Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши оқибати ҳам худди шундай бўлажак», деганини бир неча маротаба эшитгандим». Дарҳақиқат, Султон Ҳусайн салтанати шу воқеадан кейин нифоқ ва жанжаллар майдонига айланди. Гоҳ у ўғил, гоҳ у ўғил мамлакатнинг турли жойларида юрт ва мансаб таллашиб, отага қарши кураш бошладилар.

Навоий кўпдан буён ҳаж орзусида юрар эди. Бу воқеалардан кейин у ўз қарорида қатъийлашиб, шохдан ижозат беришини сўраб, қаттиқ туриб олади.

1499 йилда Марвда Ҳусайн Бойқаронинг яна бир ўғли Абулмуҳсин отасига қарши бош кўтаради. Шох Навоийга ҳажга боришга ноилож рухсат бериб, ўзи қўшини билан Марвга отланади. Мирхонднинг хабар беришича, Абулмуҳсин отаси билан сулҳ тузиш учун Алишернинг подшоҳ номидан вакил бўлиб келишини шарт қилиб кўяди. Навоийга тез чопар юборилади. Чопар Машҳадда шоирга етиб, шохнинг мактубини топширади. Унда шоирнинг ҳажни кейинга қолдириб, тезда Марвга етиб келиши илтимос қилинган эди. Алишер Машҳад улуғлари ва ҳамроҳлари билан маслаҳатлашади. Улар мамлакатнинг тинчлиги учун Алишернинг ҳажга боришдан кечишини сўрайдилар. Алишер белгиланган жойга етиб боради, ота-ўғилни яраштириб, Ҳиротга қайтади.

Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»сидан: «Султон Ҳусайн Мирзо Алишерга «Сиз мамлакатда қолишга рози экансиз, нимани илтимос қилсангиз, ҳаммасини бажараман»,— деган эди. Алишер ўз илтимоси билан Ҳиротдаги машҳур Хожа Абдулла Ансорий хонақоҳига жорубкаш (супурувчи, хизматкор) қилиб тайин этилди.

Абдулла Ансорий (1006—1088) замонасининг машҳур мутасаввифи, шайхи бўлган. Унинг қабри Ҳиротнинг Гозургоҳ деган мавзеида эди. Алишер Навоий умрининг сўнггини мана шу Абдулла Ансорий қабрини обод

қилишга сарфлади. Аини пайтда, ижоддан қўл узмади. Бошлаб қўйган ишларини ниҳоясига етказди. Яна асарларга қўл урди. 1495—1496 йилларда «Насойим ул-муҳаббат» (Муҳаббат шабадалари)ни ёзиб тугатди. Бу асар Шарқда ўтган машҳур шайхлар, сўфийлар ҳаёти ҳақида маълумот берувчи ўзига хос тазкира эди. Бу тазкира, муаллиф қайд этганидек, Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» (Дўстлик таровати) номли китобининг эркин таржимаси эди. Алишер Навоий уни яна маълумотлар билан бойитди, биринчи навбатда, туркий халқ вакилларига кенг ўрин ажратди. 750 шайх ҳақида маълумот берувчи бу асарда тасаввуф тариқатлари, қонун-қоидалари, сўфийларга хос хусусиятлар, улар ҳаётига, касб-корига оид лавҳалар ўрин олган бўлиб, тасаввуфни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, унинг Яссавийга оид маълумотлари ғоят қимматли ҳисобланади.

1498 йилда Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»ни қайта кўздан кечириб, тўлдирди. Шоирлар ҳақида маълумотлар 459 тага етказди.

Шу йили ёшлигидан қалбида муҳрланиб келган «Мантиқ ут-тайр»га жавоб ёзди.

Навоийнинг «Лисон ут-тайр»и ҳам кушларнинг тўпланиб, суҳбат қуришларидан бошланади. Улар ҳам адолатли подшони излаб йўлга тушадилар. Лекин Навоий кушларининг ҳар бир хатти-ҳаракати қатъий интизом ва мантиққа бўйсунди. Чунончи, кушлар мажлисга йиғилганда жой таллашиб, тортишиб қоладилар. Қарасалар, тўти пастда, олақуш юқорида, лочин ўрнида калхат, тожлилар оёқ остида-ю, тожсизлар тепада. Жанжал чиқади. Адолатли подшога эҳтиёж пайдо бўлади.— Қани бир одил шоҳ бўлса-ю, ҳар биримизнинг ўрнимизни белгилаб берса эди, дейдилар.

Шундай шоҳ бор,— дейди худхуд ва Семурғнинг васфини айта бошлайди.

«Лисон ут-тайр» воқеаси шундай бошланади. Бунда ҳам савол-жавоблар бўлади, ҳикоялар келтирилади. Водийлар босиб ўтилади. Охир-оқибатда кушлар ўзларининг Семурғ эканликларини англаб етадилар. Навоийнинг ўзи

бу асарини камтарона таржима деб атайди. Эътиборли мутахассислар Семурғни излаш ва топиш воқеасининг қўйилиши ва ҳал қилинишида маълум фарқлар борлигини, ҳикояларнинг аксарияти янги эканлигини кўзда тутиб, «Лисон ут-тайр»ни мустақил асар деб ҳисоблайдилар.

«Лисон ут-тайр» Навоий ижодини яқунловчи асарлардан биридир. У, аввало, шоирнинг дунё ва борлиқ ҳақидаги карашларини яқунлайди. Унингча, бу дунё ҳақнинг тажаллиси — Оллоҳнинг жилоланиши, дунёдаги барча мавжудот Оллоҳнинг тазоҳири, ўзини намоён этишидир. Шу жумладан, энг улуғ (шариф) мартаба берилган инсон ҳам. Фақат у ўзининг бу ҳолини англаши керак. Англаш учун эса у узун ва машаққатли йўлни босиб ўтмоғи лозим. Бу етти водийдир. Сўнгги водий фақру фано водийсидир, йўқликка айланмоқдир, Оллоҳга қўшилмоқдир. Чунки инсонинг яратилишидан мурод ҳам ўша Оллоҳ васлига эришмоқ, унга қўшилмоқ эди. Бу шоир илгари сурган муҳим тасаввуфий ғоялардан бири эди.

А.Навоий туркий тил ва адабиётнинг ҳам яратувчиси, ҳам ошиғи эди. Бу иштиёқ ва муҳаббат унга ўз ақлини топганидан то умрининг сўнгги дақиқасигача ҳамроҳ бўлди. Унга ишонч ва юпанч, умид ва тасалли бўлиб келди. Бу тил ва адабиётни яратмоқ севмоқдан қийин эди. Лекин Навоий ўз орзусига эришди — «Хитодан Хуросонгача якқалам» тил ва адабиёт қарор топди. Бу «Лисон ут- тайр». дан келиб чиқадиган яна бир муҳим хулоса эди.

Буюк шоир 1498—1499 йилларда хатларини тўплаб, «Муншаот» (Хатлар) тузди. Унда 88 та хат жамланган бўлиб, уларнинг аксарияти шоирнинг шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган, жанрига кўра хилма-хил бўлган мактублар эди.

Булар, шубҳасиз, туркий иншо, эпистоляр жанр тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Навоийнинг ижодий режалари кўп эди. У Султон Ҳусайннинг тарихини битмоқчи эди (бу ниятини «Тарихи мулуки Ажам» асарининг хотимасида айтган). «Тарихи анбиё ва ҳукамо» да буюк шоир Юсуф ва Зулайҳо ҳақида

туркий тилда бир асар ёзажагини маълум қилади. У «Лисон ут-тайр»да Шайх Санъон мухаббатини ҳикоя қилар экан, ўз мухаббатини ҳам бир дoston этажагини айтган эди. Бирок, шоирнинг 1500 йилнинг охирларида ёзиб тугатган «Махбуб ул-қулуб» асари унинг сўнгги асари бўлиб қолди. «Махбуб ул-қулуб» қалбларнинг махбуби, кўнгилларнинг севгани дегани. Бу асар дунёнинг аччиқ-чучугини кўрган, гоҳо «комронлиғ» (бахтиёрлик), гоҳо «нотавонлиғ» (бахтсизлик) топган буюк шоир ва мутафаккирнинг 60 йиллик ҳаётига яқин бўлди. Бу асар, бир сўз билан айтганда, яхшилик ва ёмонлик ҳақидадир. Навоий инсоннинг инсонлик хусусиятлари, сифатлари, хулқ-одатлари, турли ижтимоий табақалар, мансаблар, мансабдорлар тўғрисида сўз юритаркан, ўзининг бой ва мазмундор ҳаёти тажрибаларидан келиб чиқади. Ҳар бирини ақл ва виждон, адолат ва ҳаққоният нуқтаи назаридан баҳолайди.

«Махбуб ул-қулуб» тузилишига кўра уч қисмга бўлинади: Ижтимоий табақалар. 2. Ахлоқ-одатлар. 3. Панд-ҳикматлар. Жанрига кўра насрда ёзилган. Айрим ўринлардагина шеърий парчалар келади. Бу парчалар кўпинча фикрни хулосалаш ёки баёнга зийнат бериш учун келтирилади. Шоир насрий баёнда сажъга риоя қилади. Асардаги фикр-мулоҳазалар, ноёб кузатишлар миллатимизни асрлар оша тарбиялаб келган ахлоқ-одоб, туриш-турмушнинг мазмун-моҳиятини англашда муҳимдир. Бадий жиҳатдан эса асар ўзбек насри тараққиётида бетакрор аҳамиятга эга.

Султон Ҳусайн билан Алишер мактабдош эдилар. Улар ўсмирлик чоғларидаёқ Хуросоннинг ҳукмдори Абулқосим Бобур хизматида бўлганлар. Унинг вафотидан сўнг Султон Ҳусайн билан Алишер 12 йил давомида бошқа-бошқа шаҳарларда бўлишади. Ҳусайн бу даврда аввал Хоразмда, сўнгра Хуросоннинг Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа вилоятларида «дарбадарликда» (қочоқликда) юриб куч тўплайди ва турли жойларда Абусаидга қарши исён кўтаради. Алишер Навоий бу йиллар аввал Машҳад ва Ҳирот мадрасаларида ўқийди. Ўша пайтлардаёқ у шоирлик истеъдоди туфайли катта шуҳрат қозонган эди. Ёшлиқдан Султон Ҳусайн билан яқин

бўлган Алишер ўзига нисбатан Абусаидда адоват кайфиятини сезгач, Самарқандга кетиб, маълум муддат у ерда яшашга мажбур бўлади. Самарқандда у илм-фан ва шеърят билан машғул бўлди. Фалакиётшунослик, риёзиёт, ҳикматшунослик, муҳандислик илмини ўрганди. Бу борада унинг мадрасада икки йил олган таълими катта роль ўйнади. У машҳур олим, фалсафа, мантик, ҳуқуқ, араб тили, адабиёт ва шеърятнинг ўткир билимдони Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандийдан сабоқ олади. Султон Ҳусайн бир неча йил давом этган машаққатли жанглардан сўнг, ниҳоят 1469 йилда Ҳиротни эгаллагач, Навоийни ўз ҳузурига таклиф этади. Алишерни у дастлаб муҳрдорлик лавозимида, 1472 йил бошида амир унвонини бериб, бош вазир қилиб тайин этади.

Султон Ҳусайн ҳукмронлигининг дастлабки даврида Алишер Навоий кўлидан келганча адолат ўрнатиб, халққа ғамхўрлик кўрсатди, мамлакатнинг сиёсий ҳаётида катта роль ўйнади. У мамлакатда кучли, марказлашган феодал давлатнинг вужудга келиши, вилоятлар суғорилиб обод этилиши, қишлоқларда деҳқончилик, шаҳарларда хунармандчилик ва савдонинг тараққий қилиши, адабиёт, санъат ва илм-маърифатнинг равнақи, давлатнинг ички барқарорлиги ва ташқи муносабатлари яхшиланиши аҳолининг тинч ва осойишта яшаши учун барча имкониятлардан фойдаланди. Инсонпарварлик ғояларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилди. Давлатнинг бутунлигини сақлаб қолиш мақсадида у Хуросонда кўтарилган жиддий халқ кўзғолонларини адолат тарозуси билан тинчлантирди. Лекин Султон Ҳусайн давлати Навоий кутганича бўлиб чиқмайди. Суюрғол тартибига асосланган бу давлатда, бир томондан, вилоят ҳукмдорлари, ҳатто тожу тахт валеаҳдлари Бадиуззамон ва Муҳаммад Султон исёнлари юз беради. Иккинчи томондан, оғир феодал зулми оқибатида Ҳирот ва вилоятларда халқ кўзғолонлари кўтарилади. Учинчидан, ўз манфаатларини кўзлаган очкўз сарой аъёнлари Навоий ва унга ҳамфикр бўлган шахсларга нисбатан фитна ва фасодни ғоятда авж олдириб юбордилар. Бош вазирлик лавозимида турган Навоий 1476 йилда истеъфо

беришга мажбур бўлади. Кейинчалик уни саройдан, ҳатто пойтахтдан узоқлаштиришга Султон Ҳусайнни ҳам кўндирдилар. Унинг мамлакат осойишталиги ва эл фаровонлиги учун қилинган саъй-ҳаракатларига жиддий зарба берилади.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳукм сурган танглик кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олишни, Темурийлар сулоласини ағдариб ташлашни осонлаштирди

Маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг вафотидан кейин (1405 йил) у барпо этган марказлашган давлат бир неча феодал ҳокимиятларга бўлиниб кетади. Темур авлодлари-Темурийлар узоқ вақтлар давомида ўзаро урушлар олиб бордилар. Бу давр феодал тарқоқликнинг кучайиши, давлат тузумининг кучсизланиши билан тавсифланади. Натижада мамлакат бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Бу вақтда Самарқанд ва Хирот асосий маданий марказлардан бири эди. Улуғбек Самарқандни идора қилган даврда (1409-1449) фан ва маданиятнинг равнақиға катта аҳамият бериб, ўз атрофига олим, шоир, мусиқачи ва бошқа санъат аҳилларини тўплаган эди. Бу даврда қимматли маданий бойликлар яратилди, асосан математика, астрономия, тарих ва бошқа фанлар ривож топди.

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё маданияти, ўрта аср адабиёти ва мусиқасининг энг юксалган даври улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ва тожик классик шоири ва атоқли олими Абдурахмон Жомий (1414-1492) яшаган давр эди. Бу вақтда темурийларнинг иккинчи йирик маданият маркази Хиротда фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Султон Ҳусайн Мирзо (1458-1506) ҳукмронлиги вақтида шоир ва мусиқачиларнинг катта қисми саройга, хусусан, улуғ Навоийнинг атрофига тўпланган эдилар.

Хиротда шеърят ва мусиқа айниқса гуллаб-яшнади. Бу даврда яратилган кўпсонли шеърят ва мусиқа ҳақидаги асарлар, назарий рисоалар, адабиёт ва мусиқа маданиятининг юксак бўлганлигини тасдиқлайди.

Навоий ва Жомий замонасидаги мусиқа маданияти тарихини ўрганиш борасида, мусиқа билан билвосита боғлиқ бўлган тарихий, адабий

характердаги асарлар ҳам асосий манбалар сифатида жуда катта аҳамиятга эга. Бу асарларда созанда, хонанда ва бастакорлар номи, ўша вақтларда истеъмолда бўлган созлар, хон саройларидаги базмлар, оммавий сайил ва байрамларда ижро этилган ашула ва рақслар тўғрисида гапирилади. Султон Хусайн даврида байрамларда жамиятнинг бошқа табақалари қатори хунармандлар ҳам қатнашиб, кўчаларда ва жамоа тўпланадиган ерларда ашула ҳамда ўйинлар уюштирардилар.

XV аср адабиёти ва мусиқасининг ёдгорликлари қаторида шеър девони ва баёзларини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Навоий ва Жомий, уларнинг замондошлари бундай шеър тўпламларини кўплаб тузган эдилар. Бу шеър тўпламларидан мусиқачи-бастакорлар мақомларнинг ашула йўлларига шеърлар танлаб олишарди. Шунинг учун ҳам бу тўпламлар мусиқа маданияти тарихини ўрганишда муҳимки, улар мусиқачи ва бастакорлар учун зарур қўлланма бўлиб хизмат этган, бинобарин ҳозирда XV асрларда ижро этилган ашулаларнинг шеър матни мазмуни қандай бўлганини аниқлашга имкон беради.

Навоий ва Жомий замонида жуда кўп мусиқа назариячилари, моҳир созанда ва хонандалар ҳамда бастакорлар, мақомдонлар етишиб чиқди.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири ҳазрат Алишер Навоийнинг кўп қиррали ижодида мусиқага доир қатор масалалар ўз ифодасини топган эди. Навоийнинг мусиқа соҳасидаги фаолияти хали етарли ўрганилмаган ва бу борада чуқур ва атрофлича махсус илмий тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Бу ўринда Навоийнинг мусиқа маданияти тараққиёти тарихида ўйнаган катта ролини ҳисобга олиб, баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишга туғри келади.

Маълумки, Алишер Навоий мусиқа назарияси ва амалиёти масалаларига бағишлаб, махсус асар яратмаган. Унинг "Маҳбуб ул - қулуб" асаридаги созанда ва хонандаларга бағишланган. Улуғ санъаткорнинг мусиқа тўғрисидаги фикрлари ва мусиқавий-эстетик қарашларини акс эттирувчи фактлар унинг адабий, тарихий ва илмий характердаги асарларида сочилган ҳолдадир

## 2.2. Алишер Навоийнинг созанда ва бастакорлигига бир назар

Навоийнинг асарлари билан танишар эканмиз, мусиқа санъатига тааллуқли қатор масалаларга дуч келинади. У йирик маданият арбоби сифатида, санъатнинг ҳамма соҳаларини юксак бадиий дид билан баҳолай олган, шу билан бирга мусиқа амалиёти ва назарияси масалаларида чуқур билимдон эди. Шунинг учун ҳам ўзининг асарларида мусиқа масалаларини чуқур ақс эттириб, мусиқага доир атамаларни онгли равишда, тушунган ҳолда ишлатади. Бундай атамалар Навоий давридаги мусиқанинг назарий ва амалий масалалари билан боғлиқ бўлиб, замонасининг мусиқавий ҳаётини ёритишда қимматли манба ҳисобланади. Навоий тилга олган бошқа масалалар ҳам борки, уларни мусиқага оид бошқа манбалар воситаси билангина тушуниш мумкин. Навоийнинг асарларида ўз ифодасини топган энг муҳим масалалардан бири - мусиқа чолғулари ёки созлар масаласидир.

Мусиқа чолғулари - мусиқа маданиятининг тарихий тараққиёти жараёнини аниқлашда ҳал этувчи омиллардан ҳисобланади.

Мусиқа чолғулари турли тарихий шароитларда мусиқа маданиятининг тараққиёт даражасини белгилаб берувчи зўр, кўрғазмали манбалардандир.

Навоий даври мусиқаси устида гап борар экан, ўша даврларда истеъмолда бўлган созларни атрофлича, илмий асосда ўрганилиши - XIV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ва Хуросон халқларининг мусиқа маданияти тараққиёти даражасини аниқлашда ҳам катта ёрдам беради.

Навоийнинг дostonларида, девонларида, "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун - нафоис" каби асарларида жуда кўп созлар номи тилга олинади. Улар орасида уд, най, ғижжак, танбур, чанг, рубоб, кубиз, қонун, руд, чағона, даф, яъни доира, ноғора чолғуларининг номи жуда кўп учрайди. Бу созларнинг баъзилари бизнинг кунгача етиб келмаган, бир хиллари Ўрта Осиёда истеъмолдан чиқиб кетган, учунчиси бир хилларининг шакли ўзгариб кетиб, номигина сақланиб қолган.

Уд чолғуси ўтмишда мусиқанинг назарий масалаларини тушунтиришда етакчи соз бўлган. Унинг тузилиши ҳақида ҳозирда аниқ маълумот бор. Агар,

"Махбуб ул-қулуб"да акс эттирилган унинг садо бериш характери ҳам ҳисобга олинса, удни ҳозирги кунда бекаму кўст тасаввур этиш мумкин.

Най, гижжак, қонун, даф, ноғора, сурнай, карнайларни - бу созларнинг бизгача етиб келган турларига яқин бўлган дейиш мумкин. Бу ерда пардалар ўрни, созлардан ҳосил этиладиган товушлар тизимида ва баъзан уларнинг шаклларидагина фарқлар бўлиши мумкин.

Манбаларда танбур сози икки хил бўлганлиги қайд этилади. Унинг камон ва мезроб билан чалинадиган турлари бўлган. Лекин кўриниш шакли ҳозирча ноаниқроқдир.

Чағона чолғуси ҳозирги кунда Кавказ, Туркия ва Эрон халқларида бўлган қонунга ўхшаш бармоқлар билан тирнаб чалинган. Қадимий созлардан - рубоб арабларда камонли чолғу бўлиб, Ўрта Осиёда чертиб ёки тирнаб чалинган.

Навоий давридаги дутор чолғуси XV асрнинг етук мусиқа назариячиси Хусайнийнинг мазкур "Қонун" асарида тавсифлаб берилган. У вақтларда дутор ҳозирги шаклидан фарқ этган ва уд чолғусидан кичикроқ, парда тузилиши эса удникига ўхшаш бўлган ва мезроб билан чертиб чалинган.

Навоий даври ва ундан аввалги даврларда чанг сози ёйсимон шаклда бўлган, ҳозирги чангдан тубдан фарқ этган ва бармоқлар билан тирнаб чалинган.

Шундай қилиб, Навоий давридаги мусиқа чолғуларини ўрганилишида қатор ноаниқликларга дуч келинади. Бу борада Навоий асарларида келтирилган фикр ва мулоҳазалар бизга катта ёрдам беради. Навоийнинг баъзи асарларида созларнинг айрим садо бериш хусусиятлари усталик билан, образли қилиб чизиб берилади. Най мафтункор, майин садо беради. Гижжакнинг садоси йиғлоқи, танбўрники дилкаш, уд ва чанг - юракни эзувчи, рубоб ёлворувчи, қўбиз - рохатбахш, қонун билан чағонанинг садоси эса фарёду - фиғонга ўхшаш янграйди. "Сабъаи сайёр"да чангнинг садоси кишини тинчлантирувчи, ҳаётбахш экани таъкидланади.

Баъзан Навоий созларни тасвирлар экан, уларнинг садоси кишининг кулоғида жаранглаётгандай туюлади. Замоносида жуда кўп шоир, олим, мусикачи ва бошқа санъаткорларнинг устози ва ҳомийси бўлган улуф Навоийнинг созлар ҳақидаги фикр мулохазалари мусика санъатимизнинг созшунослик соҳасида қимматли хужжатий манбалардандир. Бунинг устига, бу манбалар Навоий замоносидаги миниатюраларда тасвирланган соз шакллари ва бошқа ёзма манбаларда келтирилган фактик материаллар билан қўшиб, қиёсий ўрганилса, бу масала ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўларди. Навоий асарларида куйлар ва уларнинг шакллари масаласи ҳам акс этган. Маълумки, Навоийнинг ўзи дурустгина бастакор эди. У баъзи мақом йўлларида мослаб, нақш, пешрав шаклларида мусика асарлари яратган эди. Бундан маълум бўладики, Навоий мусика амалиётининг энг нозик томонларини ҳам чуқур билган.

Навоий замонида бастакорлар кўпроқ амал, савт, нақхи, пешрав, тарона шаклларида куй ва қўшиқлар яратганлар. Навоий "амал" атамасини "иш" деб ҳам атайдди. У даврда ҳозирги маънодаги нота ёзувлари бўлмагани сабабли куй ва ашулаларнинг намуналари ҳам бизгача етиб келмаган ҳамда бу куйларнинг шакллари ҳақида аниқ фикр айтиб бўлмайди. Лекин, бизгача етиб келган классик мусикамизнинг юксак намунаси ҳисобланган Шашмақомнинг чолғу ва ашула йўлларида пешрав шакллари учрайди. Амал, нақал, иш, тароналар эса умуман "тарона" ёки "Сувора" номи билан аталади.

А.Навоий даври мусикасида ҳозирги тушунчадаги "тарона"ларнинг хили кўп бўлган ҳамда улар куй шаклининг характериға қараб турлича номланган. Ҳозирги кунда бундай куй шакллари номларини мақомдонлар бутунлай унутиб юборганлар. XVI асрда яшаб ижод этган мусика олими Кавкабий Бухорий, XVII аср етук санъаткори Дарвиш Али Чангий ва бошқа муаллифларнинг мусика рисоаларида XV-XVII асрдаги куй ва ашулаларнинг турларига таъриф берилган. Лекин булар ҳам куй шаклларини аниқлашга етарли ёрдам беролмайди. Ҳар ҳолда, агар Навоий ёки бошқа олимлар, бир бастакор маълум мақом ёки унинг шуъбасига амал, нақш боғлаган десалар,

ўша мақом йўлларига уланиб кетадиган, куй мавзуси жиҳатидан уларга ҳамоҳанг бўлган мусиқа асарларини кўзда тутганлар. Нақш, пешрав ва амаллар унча катта шаклда бўлмаган.

Навоий даврида доира ва ноғора усуллари жуда кўп яратилган. Баъзи муболағаларга кўра, ноғорачилар усуллар орали бир-бирларига ўз фикрларини ҳам англата олганлар ва ҳатто савол-жавоб қилишган.

Ҳозирда Навоий асарларида, Абдурахмон Жомийнинг мусиқий рисоласида, сўнгги даврларда яратилган Кавкабий ва Дарвиш Али каби йирик мусиқа олимларининг рисоаларида келтирилган доира, ноғора усулларини тиклашга тўла имконият бор ва ҳозирги замон нотасига кўчириб, қайта ишлаш мумкин. Бу усулларни ўрганиш фақатгина Навоий асарларида тилга олинган қўшиқ, ашула ёки куйларнинг ритмик асосларинигина эмас, балки шеърият билан мусиқа асарлари орасидаги муносабат масалаларини ҳам очиқ беришда муҳим ўрин тутди.

Навоийнинг ижодида мусиқанинг баъзи назарий ва амалий масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Навоийнинг ўзи бастакор сифатида ижро услубларини эгаллаб, чолғуларда маҳорат билан чаларди. У ашулаларга мослаб оромбахш дилрабо ғазаллар яратган. Бинобарин, мусиқа назариясини ҳам асосли равишда чуқур билганлиги унинг "Мезон ул-авзон" асаридан яққол кўринади. Навоийнинг бу асари шеър ўлчовларини асослаб берувчи мукамал рисоладир. Унда мусиқа назарияси билан боғлиқ бўлган қатор ҳолатлар бор. Ёзма манбалардан маълумки, мусиқа ва шеъриятнинг назарий асослари бир-бири билан чамбарчас борлиқдир. Аруз илми эса, мусиқанинг ритм қоидалари асосида юзага келган. Бу масалани ёритишда Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асари ҳам ёрдам беради. Навоийнинг кўрсатишича шеър вазнлари сабаб, ватад ва фосила - дейилган уч хил рукнлардан тузилади. Мусиқа рисоаларида ҳам худди шундай. Шеър ўлчовлари ҳаракатли ва ҳаракатсиз ундошлар воситаси билан юзага келади. Мусиқа назариясида эса ритм ўлчовлари шартли қабул этилган (тан, тана, танан, танна, тананан каби) сўзлар воситаси билан ифодаланади. Шеър ўлчовлари ва мусиқа ритм ўлчов-

лари бир хил асосга эга эканлиги уларнинг узун-қисқа бўғинлардан ташкил топганлигидадир.

Ўтмишда мусиқавий ритм ўлчовлари турлича маънода ишлатилган.

1. Доира ва ноғора усуллари тарзида, масалан: "бак-бака-бум" ёки "так-такатум" - мусиқа рисолаларида - тан-тананан" каби ифодаланган.

2. Ритм ўлчовидаги рукнлар куйларнинг ритмик асосини ифодалашда ҳам ишлатилган. Масалан, ҳар қандай куйни ритм ўлчови рукнлари воситаси билан ҳиргойи қилиб куйлаш мумкин. Бу ўринда "тан, тана, танан"лар куйни ташкил этадиган узун-қисқа нота улушларига ҳам мос келади.

3. Шу рукнлар билан ашулаларга айтиладиган шеър мантлари танлаб олинган. Масалан, бунда дастлаб, ашула қилиб айтиладиган куй, ўша "тан-танан"лар воситаси билан ҳиргойи қилиниб, куйга мос шеърнинг вазнини ташкил этадиган узун-қисқа бўғинлар аниқлаб олинади.

Масалан, куйдаги рукнлар:

Тан - танан - тан | тан - танан - тан | тан - танан - тан | тан - танан

Фо - ило - тун | фо - ило - тун | фо - ило - тун | фо - ило - тун

каби бўлади.

Шеър вазни "рамали мусаммани маҳзуф" деб аталиб, унга "То муҳаббат дашти бепоёнида овораман" каби ўлчовдаги шеърлар мос келади.

Бу ерда шуни айтиш лозимки, ашулаларга мос шеър ўлчовларининг рукнлари ёки улардаги бўғинларнинг узун-қисқалиги куйларнинг ритмик ҳолатига ҳам таъсир этиши мумкин. Узун бўғинлар бир ёки бир неча узун-қисқа ноталарга, қисқалари қисқа ноталарга мос келиши мумкин. Шундай қилиб, куй билан шеър матни шаклан мосланади.

Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асари мусиқанинг бошқа амалий масалаларини ўрганишда ҳам зўр манбадир. У вазнларнинг турлари ҳақида гапирар экан, оддий халқ кўшиқлари ҳақида қимматли маълумотлар беради ва уларга айтиладиган шеър матнларини келтиради. Уларнинг баъзилари аруз вазнига мос келмайди. Навоий "Туғоқ", "Қушиқ", никоҳ туйларида айтиладиган "Чанги", "Ар-зуворий", "Туркий" каби ашула ва кўшиқлар устида сўз

юритади, уларнинг шеър матнини ҳам келтиради. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, мақомлар жумласига крмайдиган халқ куйи ва қўшиқлари хақида маълумотлар бизгача етиб келмаган. Навоийнинг мазкур асари бу ҳақда ягона манбалардандир.

Маълумки, Абдурахмон Жомий Ҳазрат Навоийнинг илтимосига кўра "Муסיкий рисола" яратган эди. Бу рисоланинг охириги боблари ритм масалаларидан бахс этади. Жомийнинг бу асарида, муסיқа билан шеъриятнинг ритмик асоси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани таъкидлаб ўтилади. Навоийнинг "Мезон ул-авзон"ида шарх этилган шеърият қоидаларига доир масалалар билан Жомий рисолаларидаги муסיқанинг назарий масалалари ўртасида жуда катта умумийлик бор. Бу икки улут сиймонинг икки асари бир-бирини тўлдиради ҳамда баъзи шеърият ва муסיқа назариясига доир масалаларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Муסיқа илмидаги "Адвори иқоъ" билан шеър бахр ўлчовларида келтириладиган доиралар ҳам бир-бирига элементар мос келади.

Навоий ва Жомийнинг кўтариб чиққан назарий масалалари, уларнинг ўзлари томонидан амалиётда ҳам кўрсатилиб, тасдиқлаб берилган эди. Натижада улар шеърият билан муסיқанинг алоқаларини назарий жихатдан мустаҳкамловчи бутун бир мактаб яратиб бердилар. Бу мактаб Навоий замонидан бошлаб, то бизнинг кунгача арузда ижод этган шоирлар, созанда-хонанда ва бастакорлар учун муҳим мактаб бўлди ва уларнинг бадий-эстетик қобилиятини тарбиялашда ҳал этувчи аҳамият касб этди.

Навоий раҳнамолик қилган Ҳирот ижтимоий-сиёсий ҳаётида, маданий-муסיқа фанига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовордир. Боиси адабиёт ва муסיқа бир-бирини тақозо этгани каби, улар бир-бирини ўзаро тўлдиради. Алишерга ва муסיқа аҳлига алоҳида иштиёқ ва меҳр билан муносабатда бўлади, уларни ҳамиша зар қўлга киритган ютуқлардан завқланади ва буни олқишлайди. Навоий даврида мактаб ва бошқа турли фанлар қатори муסיқа фани ҳам ўқитилар ҳамда бу фан ўқув дастуридан билган эди. Илгариги муסיқа дарсликларининг замон талабларига жавоб

беролмай қолганлиги туфайли, эндиликда мусиқа фанидан янги авлод дарсликларига эҳтиёж туғилади. Навоий буни тўғри англайди ва шунга кўра, мусиқа бобида тажрибали ва таниқли олим Бу Алишоҳга янги топшириқ топширади. Пировард-натижада Бу Алишоҳнинг “Асл ул-васл” номли рисоласи дунёга келади кейинчалик Мир Муртоз, Абдуллоҳ Марворид ва Биноий (1453 - 1512) лар ҳам мусиқа фанидан рисоалар битадилар. Аммо бу рисола - дарсликлардан ўқувчи ёшларнинг фойдаланишида баъзи қийинчиликлар юзага келади. Аммо Навоий янада соддароқ ва осонроқ рисола битилиши тарафдори эди, бу борада устози Абдурахмон Жомий (1441—1492)га мурожаат қилади ва ниҳоят кўнглидагидек дарслик яратилади. Бу Жомийнинг 23 фаслни ўз бағрига сингдирган “Рисолаи мусиқий” (1475) асари бўлиб, у муқаддима, икки боб ва хотимадан иборат эди.

Буларнинг барига сабаб Навоий яшаган Ҳирот маданий ҳаётининг ҳар жабҳасида мусиқага қизиқиши беқиёс бўлиб, мусиқа илмини билмас бирорта шоир топилмас эди. Навоийнинг ўзи ҳам мусиқа илмини севган чунончи, “Мажолис ун-нафоис”да Хожа Юсуф Бурҳон ҳақида Навоий мусиқа фанида анинг шогирдимен” дейди. Хожа Юсуф Бурҳон яратган “Исфаҳон” куйи ва унинг замонавий шаклининг ижодкори сифатида Навоийнинг тан олиниси янада мароқли ҳодисадир. Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) ўз “Бобурнома” асарида Навоийнинг мусиқага оид ишлари ўз замонида шуҳрат топгани тўғрисида гапирар экан, тўлқинлаб ушбуларни ёзади: “Яна мусиқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур”. Минг таассуфки, “Бобурнома”да бу нақшлар ва пешравларнинг номлари келтирилмайди, афтидан, Бобур эл орасида Навоийнинг машҳур куй-қўшиқларининг номларини такрор эслатишни ортиқча деб ўйлаган. Колаверса, Навоий ҳам камтарлик нуқтаи назаридан ўз мусиқий асарларининг номларини санаб ўтишни ўзига лойиқ кўрмаган бўлса керак.

Навоий ўзига энг яқин дўст ва қадрдон инсон, даврининг зўр полвони, шоир ва бастакор Паҳлавон Муҳаммад (1423-1493) фаолиятига бағишланган

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида қизиқ маълумотларни келтиради. Паҳлавон Муҳаммад салафлари Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафойи Самарқандий, Хожа Юсуф Андижоний анъаналарини давом эттириб, мусиқа соҳасида юксак зафарлар кучади. Навоий юқорида зикр этганлардан Мавлоно Соҳиб Балҳиний “Мажолис ул - нафоис” да айримча эслатиб ўтади, унинг шеърят фанидан ташқари мусиқий илмида комиллигини таъкидлайди. Мавлоно Соҳиб Балхий яратган “Чаҳоргоҳ” куйи, унинг кўшиғи эларо машҳур бўлиб, Султон Шохрух Мирзо (1377 - 1447)нинг кенжа ўғли, Балх ҳокими Муҳаммад Жўги Мирзо (1401 - 1445)га жуда маъқул келган экан. Муҳаммад Жўги Мирзо саройида уюштирилаётган базмларда фақат Мавлоно Соҳиб Балхийнинг ана шу ашуласи тингланар экан. Ғалати томони шундаки, ўз базмларида Муҳаммад Жўги Мирзо шахсан Мавлоно Соҳиб Балхий ашуласидан бошқа ашула ижросига зинҳор руҳсат бермас экан. Қисқаси, Жўги Мирзонинг базмлари Соҳиб Балхий куйи ила ибтидо топиб, шу куй ила интиҳосига етар экан.

Навоийнинг маълумотларича, Паҳлавон Муҳаммад ҳам “Чаҳоргоҳ” куйининг янги қирраларини намойиш этади ва Мавлоно Тўтий ғазали билан айтилувчи ўзининг бу кўшиғини Мир Бузург Термизий ҳазратларига бағишлайди. Бундан ташқари Паҳлавон Муҳаммаднинг шоирларидан Мавлоно Хусравий Мавлоно Котибий (ваф.1435) ғазаллари ила хониш этилувчи “Сегоҳ” куйи икки йўналишда яратилади. Бу “Сегоҳ”ларнинг биринчиси Муиззуддин Абулқосим Бобур (1422 - 1457) га иккинчиси Мирзо Султон Абу Саъид (1424-1469) га атаб яратилган экан.

Паҳлавоннинг кейинги бир куйи Султон Ҳусайн Бойқаро (1438 - 1506)га бағишланган бўлиб, унинг номини Навоий “тегди ғизол” тарзида атайди ва унинг бағоят таъсирли эканлигини қайд этади. Паҳлавон тарафидан ижод этилган куй ва кўшиқлар ўз даврида катта доврўғларга сазовор бўлиб, бутун бошли Хуросон ва Ироқ заминида машҳуру манзур экан. Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ҳам Паҳлавон Муҳаммадга баланд баҳо беради ва

уни “Муסיқий ва адвор илмида даврининг беназиридур”, дея юксак кадрлайди.

Навоий муסיқа ҳақидаги фикр-ўйларини давом эттирар экан, Мавлоно Биноийи хусусида алоҳида сўз юритади, унинг муסיқа илмидаги истеъдодига тасаннолар ўқийди. Биноийининг бошқа соҳаларидаги иқтидорини ҳам Навоийни ҳам қойил қолдиради, аммо муסיқада эришган ютуқлари айрича бир ходиса ҳисобланади. Навоийнинг Мавлоно Биноийи ҳақидаги фикрларини Заҳириддин Муҳаммад Бобур давом эттиради ва тўлдиради ҳамда янги маълумотларни ҳади этади. Бобурнинг айтишича, Биноийи “Бурунлар муסיқийдин беҳабар экандур, бу жихатдин Алишербек таън қилур экандур”, бироқ бир йил ичида муסיқани шунчалик ўргандики, оқибатда Биноийи бинойидек куйлар басталай бошлайди. Навоий бу ҳолни кўриб, хайратга тушади, чин қалбдан Биноийини қутлайди, бу воқеани Бобур ушбу хилда тасвирлайди: “Алишербек таажжуб қилиб таҳсин қилур”. Бобур, шунингдек, Биноийининг “Муסיқийда тавр ишлар боғлабтур, ул жумладин бир нақши бор, нуҳрангга мавсум” дер экан, бу тўққиз куйнинг “Рост” мақоми билан боғлиқликларини хотирлатади. Бобур Самарқандни иккинчи бор ишғол этган (1500 йил) да, Биноийи унинг ҳузурига келади, баъзи англашилмовчиликларни айтмаса, у яхши кутиб олинади. Ҳатто муסיқада “Наво” мақоми йўлида бир куй яратиб, уни Бобур номига бағишлайди ва мукофотга сазовор этилади

Навоий шогирди Устод Қулмуҳаммад зикрида “Мажолис ун-нафоис”да унинг муסיқа ила камол топишида раҳнамолик қилганини очикча таъкидлайди. Устод Қулмуҳаммад моҳир чолғучи, беш ёшидан ғижжак чалади, у муסיқа асбобларидан кўбуз ва удни ҳам моҳирона хонишга келтирар бошқалар унинг даражасига ета олмаган.

Алишер Навоий ва муסיқа санъати алоҳида мавзу, уни махсус тадқиқ этиш ва таҳлил этиш манбаларнинг хулосаларини оммалаштириш, уларни ўқувчи ва талаба ёшларга етказиш ҳозир кунда маънавиятимизнинг туб мақсадидир.

## **ХУЛОСА**

Буюк мутафаккир олим Алишер Навоийнинг ижоди адабиётшунос олимларимиз томонидан кўп тадқиқ этилган ва ҳозирги кунгача қизиқувчи адабиётсеварлар томонидан чуқур ўрганилиб келинмоқда .

Аммо Алишер Навоийнинг ижодида баъзи назарий ва амалий маласалар ҳам ўз ифодасини топган. Навоийнинг ўзи бастакор сифатида ижро услубларини эгаллаб, чолғуларни маҳорат билан чаларди. Унинг

айтган куй кўшиқларига мослаб дилрабо ғазаллар яратган. Муסיқа назарияси ҳақида эса “Мезон ул – авзон ” асарида батафсил ва кенг ёритилган. Аммо Алишер Навоий муסיқашунос сифатида муסיқа санъатининг ривожланишида кўшган ҳиссаси яхлит манбаа шаклида келтирилмаган. Шу боис битирув малакавий ишда алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, созанда ва бастакорлиги манбаларга асосланган ҳолда кенг ёритилган.

Битирув малакавий ишимизда кириш 2 боб 4 парагрифларда Алишер Навоийнинг муסיқий қарашлари ўз ифодасини топган.

Кириш қисмида Алишер Навоийнинг муסיқа соҳасида кўшган ҳиссаси , битирув малакавий ишнинг долзарблиги, мақсади, предмети, фарази ҳамда янгилиги тўғрисида фикрлар ёзилган.

1 боб Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлиб, маълумотлар манбаларга таянган ҳолда ёритилган. 1 бобнинг 2 парагрифида Алишер Навоийнинг ижодида муסיқанинг ўрни ҳақида фикрлар ёзилган.

2 бобнинг 1 парагрифида Султон Хусайн Мирзо ҳукмронлик даврида Алишер Навоийнинг муסיқа соҳасидаги фаолияти тарихий манбалар асосида ёритилган. 2 бобнинг 2 парагрифида Алишер Навоийнинг созанда ва бастакорлиги ҳақида маълумотлар киритилган.

Алишер Навоийнинг муסיқа санъати ривожланишига кўшган ҳиссаси мавзусига битирув малакавий иш келгусида ёш авлод тарбиясида уларнинг маънавий дунёқараши ривожланишига ўз ҳиссасини кўшишига ишонамиз .

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” .Тошкент “Ўзбекистон” 2008 й
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Тошкент . “Ўзбекистон” 1998 йил

3. И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси” . Тошкент “Шарқ” нашрети матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти “Тошкент” 1999 йил
4. И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” “Ўзбекистон” 1998 й
5. Ўзбекистон Республикаси энсклопедияси. “Қомуслар” бош таҳририяти Тошкент 1997 йил
6. Ўзбекистон санъати. “Шарқ нашриети ” матбаа акциадорлик компанияси “Тошкент” Бош таҳририяти 2001 йил
7. Анвар Хўжааҳмедов “Навоий арузи нафосати” Ўзбекистон Республикаси “Фан” нашрети 2006 йил
8. “Шашмақом анъаналари ва замонавийлик” Халқаро илмий конференция материаллари Самарқанд 2005 йил “Муסיқа нашрети”
9. Р.Юнусонов “Макомы и мугамы” Тошкент “Фан” 1992 йил
10. А.Фитрат “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” “Тошкент” 1993 йил
11. “Бухоро – Шарқ дурдонаси” Тошкент Шарқ 1997 йил
12. Р.Юнусов “Ўзбек - халқ муסיқа ижоди” (Ўқув қўлланма) Тошкент 2000 йил
13. Марказий Осиё санъати: тарихий тараққиётининг ўзига хослиги Тошкент 1997 йил
- 14.Муסיқа ижодиёти масалаларлари “Тошкент” 1997 йил
15. М.Имомназаров “Миллий манъавиятимиз асослари” Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашрети “Тошкент” 2009 йил
16. И.Ражабов “Мақомлар масаласига доир” 1963 йил
17. Исҳоқ Ражабов “Мақомлар” “Тошкент” 2006 йил
18. Алишер Навоий. “Мезон ул- авзон” (Танқидлар) Иззат Султон 1949 йил 90-94 бетлар
19. Т.Саломонова Р.Абдуллаев “Ўзбек муסיқа тарихи хрестоматияси” Тошкент “Ўқитувчи” нашрети 1983 йил

20. Р.Ғ.Қодиров “Муסיқа психологияси” “Муסיқа нашрети” Тошкент  
2005 йил
21. А.Ф.Назаров “Фаробий ва Ибн Сино муסיқий ритмика хусусида”  
Тошкент 1995 йил
22. Т.Соломонова “Ўзбек муסיқа тарихи” “Тошкент” 1981 йил
23. Б.Қосимов, Н.Жумахўжа “Ўзбек адабиети” Тошкент “Ўқитувчи”  
нашрети 1999й
24. Қ.Юлдошев, Б.Қосимов “Ўзбек адабиети” “Ғофур Ғулом номидаги”  
матбаа ижодий уйи “Тошкент” 2003 йил